



MILLIY TIKLANISH

20 (81) 2010 йил 19 май, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz



Анъана
давом этмокда

Танлов ЎзМТДП Когон шаҳар, Қоравулбозор, Шеробод, Кумқўрғон, Денов, Бойсун, Ангор, Арнасой, Бахмал, Пахтакор, Жиззах туман кенгашлари томонидан ҳам қизгин тайёргарлик ва кўтаринки руҳда ўтказилди.

2-бет



Болалар
адабиёти

Республика Президенти-нинг Ахборот-технология марказлари ташкил этиш тўғрисидаги қароридан кейин кутубхоналар 12.000 электрон техника билан таъминланди, ягона электрон каталоги барпо этилди.

5-бет



Халқ
достонлари

Сурхон азалдан ўзининг анъаналари, дилтортар табиати билан қалбларни мафтун этиб келган. Воҳада жуда кўплаб шоир, ёзувчи, ҳофиз ҳамда бахшилар етишиб чиққан ва бу анъана ҳозир ҳам давом этиб келмокда.

8-бет

МТ

БУГУНГИ
СОНДА:

ЖАРАЁН	2-бет
Ўз-ўзини танқид	
Дастурий маҳсулотлар кўргамаи	
ПАРТИЯ ҲАЁТИ	3-бет
Ёш оилалар — келажакимиз пойдевори	
ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ	4-бет
Бугунги реклама	
"Баркамол авлод йили" Давлат дастури	
МАЪНАВИЯТ	5-бет
Ёшлар маънавияти	
НИГОҲ	6-бет
Касбга садоқат	
Болалар бекор қолмайди	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти: Хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт йўлида	
Табиат ғаройиботлари	
Дунёдан дараклар	
КЎЗГҮ	8-бет
Болалар намунали ансамбллари	

ТАДБИР

Форум

ИЛҒОР ФИКРЛИ, ТАШАББУСКОР ЁШЛАР
САФИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилоят кенгаши томонидан «Биз бефарқ эмасмиз» шиори остида «Баркамол авлод — обод Ватан келажиги» мавзусида минтақавий ёшлар форуми ўтказилди. Мазкур форум юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни кенг жамоатчилик ва ЎзМТДП аъзолари ва хайрихоҳлари ўртасида тарғиб қилиш ва тушунтириш, партия фаоллари ва ёшларни ўз амалий фаолияти билан халқимиз ва мамлакатимиз келажигига дахлдор бўлган эзгу ишларга ҳисса қўшишга чорлаш, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП МК аъзолари ва партия Наманган, Фарғона, Андижон вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» фаоллари иштирок этдилар. Дастлаб, тадбир қатнашчиларига вилоят тарихи, маданияти, миллий ҳунармандчилик мактаблари, ЎзМТДП шаҳар ва туман кенгашларининг фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Шундан сўнг, форум қатнашчилари шаҳардаги Бобур номидаги миллий боғга ташриф буюриб, буюк бобокалонимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур рамзий қабрини зиёрат қилдилар ҳамда унинг муборак сиймоси пойига гулчамбар кўйдилар. Шундан сўнг, улар Бобур номидаги музейни томоша қилишга тақлиф этилди. Экскурсия давомида халқаро Бобур жамғармаси раиси З.Машрабов давлат арбоби, шоҳ ва шоир Бобур ижоди, илмий фаолияти ва бой маънавий мероси ҳақида қизиқарли маълумотлар берди. Музейда давом этган тадбирда ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси К.Отахонов сўз олар экан, ёшларнинг онгига миллий истиқлол госясини сингдириш, уларда жамиятимиз тараққиётига тўсқин бўлаётган турли хил ғоявий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш масаласи ЎзМТДП учун ҳамisha муҳимлигини тилга олиб, мазкур форум ана шу мақсадларни амалга оширишни ўз олдига белгилаб қўйганини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг, ЎзМДП МК Ижроия қўмитаси раиси А.Турсунов сўзга чиқар экан, жумладан шундай деди:

— Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида «Минтақамизда ва бутун дунёда

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Авал хабар қилганимиздек, ЎзМТДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ййғилишида «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фракциямиз аъзолари томонидан қизгин муҳокама этилиб, концептуал жиҳатдан маъқулланган эди.



Бугунги реклама

МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАРИМИЗ
ТАЛАБЛАРИГА МОСМИ?

Шунингдек, ушбу лойиҳа қўйи палатанинг ялпи мажлисида ҳам биринчи ўқишда маъқулланиб, лойиҳани янада такомиллаштириш вазифаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг ишчи гуруҳига топширилганди. Мазкур қўмитанинг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган ййғилиши «Реклама соҳасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари» мавзусига бағишланганлиги ҳам бежиз эмас. Унда депутатлар, соҳага масъул бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ййғилиши Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоев олиб борди. Дастлаб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг раиси Жаҳонгир Исмоиловнинг соҳага доир маърузаси тингланди.

2-бет

4-бет

ЖАРАЁН

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури

АҲАМИЯТИ, МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг замирида, аввало, ҳар бир инсон учун ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб ҳаёт ва турмуш шароитларини яратишдек эзгу ғоя мужассамдир. Айниқса, аҳолининг кўпчилик қисмини, яъни 64 фоизини ташкил этаётган ёш авлодни соғлом ва уйғун камол топиши учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, уларни ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш жамият тараққиёти билан бевосита боғ-

Фарзандларимиз
биздан кўра кучли,
билимли, доно ва ал-
батта бахтли
бўлишлари шарт!
Ислам КАРИМОВ

лиқ бўлган вазифа сифатида доимо давлатимиз сиёсатининг марказида бўлиб келмокда. Зеро, Юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажиги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси,

4-бет

МЕРОС

Жаҳон санъати дурдоналари Тошкентда

Пойтахтимизда 18 май куни «Жаҳон санъати дурдоналари Тошкентда» бадиий лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтади.

Бадиий академия, Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилажак ушбу тадбир халқаро музейлар кунига бағишланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тарихий ва маданий меросини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилди. Тарихий обидаларни тиклаш ва борларини келажак авлодга етказиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Биргина музей ишларини кенг қўламада ривожлантириш, аҳолининг барча қатламларини миллий ва жаҳон маданий меросидан баҳраманд қилиш ҳаракатлари бунинг ёрқин мисолидир. Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида маданий меросимизни тарғиб этиш мақсадида интерфаол лойиҳа ишлаб чиқилди. Унда шаҳримиз аҳолисини маданий ҳаётга янада фаол жалб

этиш, шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги муҳитда ҳар бир кишининг санъат дурдоналари билан яқиндан танишишига имконият яратиш кўзда тутилган.

Лойиҳага кўра, халқаро музейлар кунини арафасида кўп асрлик тарихга эга Тошкент шаҳри ўзига хос чирой очади. Шаҳар марказидаги боғлардан бири 100 рангасвир баннери билан безатилади. Дунёнинг энг машҳур музейлари — Лувр ва Эрмитаж, Уффици галерияси ва Метрополитен музейи, Рус музейи ва Третьяков галерияси, Берлин, Вашингтон, Лондон, Мадрид сингари шаҳарлардаги санъат музейлари ҳамда Ўзбекистондаги музейлар коллекциясида олинган санъат асарлари бундан кейин шаҳримиз ландшафтининг ўзига хос таркибий қисмига айланади.

Раҳшона ТОШПҲЛОВА

ЖАРАЁН

ПЛЕНУМ

Ўз-ўзини танқид

ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН КУЧАЙТИРИШГА ХИЗМАТ КИЛСИН. ЎЗМТДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИДА АНА ШУНДАЙ ХУЛОСАГА КЕЛИНДИ

Гулбаҳор УМУРЗОКОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Давлатимиз раҳбари парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида сиёсий партиялар фаолиятига дахлдор масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, улар зиммасидаги устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Айтиш мумкинки, маърузада белгиланган вазифалар ЎЗМТДПнинг жамиятдаги ўрни ва маъқеини мустаҳкамлаш, аъзолар ва хайрихоҳлар сонини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда ЎЗМТДП ҳудудий ташкилотлари Президентимизнинг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва қучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номи маърузаси ва "Баркамол авлод йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб ишлаб чиқилган режа асосида фаолият олиб бормоқда. Шу кунларда партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётган пленумларда ушбу режага мувофиқ йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил этилмоқда. Жумладан, ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгашининг III-пленуми кун тартибидан ҳам мазкур масала жой олди.

Дастлаб, партия вилоят кенгашининг 2010 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўтган даврда амалга оширилган ишлар юзасидан ЎЗМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Сайдуллаев ҳисобот берди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур партия ташкилоти ишидаги хато-камчиликлар 2009 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сайловларга тайёргарлик қўриш, ўтказиш жараёни ва унинг натижаларида намоён бўлган эди. Бундан тегишли хулоса чиқарган партия кенгаши фаолиятида бугунги кунда ижобий силжишлар рўй бермоқда. Жумладан, ЎЗМТДП Янгийул, Ўрта Чирчиқ туман кенгашларида кенг жамоатчилик эътирофига лойиқ тадбирлар ўтказиш, Паркент, Бекобод туман ташкилотларида аъзолар сафини кенгайтириш, партия гояларини тарғибот қилишда самарали натижаларга эришилган. Бироқ, вилоят таркибидида айрим туман ва шаҳар тузилмаларида ҳалигача ишга совуққонлик билан ёндашиш ҳолатлари мавжуд. Бу камчиликларни бугунги кунда сиёсий партияларга қўйилаётган талаб ва масъулиятнинг ошиб бораётгани билан изоҳласак, уларни бартараф этишнинг чора-тадбирларини топиш асло кечиктириб бўлмайдиган масала сифатида намоён бўлади. Йиғилишда шу хусусда фикр билдирган ЎЗМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси А.Турсунов, жумладан шундай деди:

— Сиёсий институт сифатида зиммамиздаги масъулият давлатимиз раҳбари маърузасида фаолиятимизга билдирилган танқидий фикрлардан сўнг янада орди. Айни пайтда асосий мақсадимиз ана шу вазифаларни тўлақонли бажаришдан иборат бўлиши лозим. Чунки, вилоят кенгаши, эндиликда партия ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, аъзолар сафини кенгайтириш, партия дастурий гоя ва мақсадларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ қилиш ишларини кучайтиришга катта эътибор қаратишлари зарурдир. Пленумда ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди.

Пленумда ЎЗМТДП МК Ижроия қўмитаси томонидан ЎЗМТДП вилоят кенгаши ишини тубдан ўзгартириш, бошланғич партия ташкилотлари, аъзолар, хайрихоҳлар, тадбирлар сони ва сифатини ошириш борасида тавсиялар берилди. Йиғилиш сўнггида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТАДБИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бир-бирдан масъулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги кўни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир»-дея таъкидлаган эдилар. Мамлакатимиз миллий манфаатларини, халқаро масалалардаги позициясини ҳимоя қилишни ўз дастурий мақсадларида асосий вазифа сифатида белгиланган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси учун маърузада кўтарилган ушбу масалалар алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги тадбирни бу борадаги амалий фаолият сифатида баҳолаш ўринли.

Тадбир давомида ФЖУИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази катта илмий ходими У.Аҳмедов миллий хавфсизликни таъминлашда ёшлар маънавиятининг ўрни, давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиё минтақаси ва халқаро миқёсда тинчликни

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Дастурий маҳсулотлар кўргазмаси

Тошкент ахборот технологиялари университетида "BestSoft-Uzbekistan-2010" дастурий маҳсулотлар йиллик миллий кўргазмаси очилди. Кўргазма Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюشمаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг «АКТ сиёсати» (ICTP) лойиҳаси кўмағида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Ҳ.Мухиддинов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ушбу соҳада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори жамиятда ахборот маконини яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва уларни амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланганидан 225 субъект фаолият юритмоқда. Мазкур кўргазмада юртимиз софтвер саноатининг энг долзарб ва муваффақиятли лойиҳалари намоён этилмоқда. Унда кейинги йилларда маҳаллий дастурий таъминот бозорини янада ривожлантиришда катта ютуқларга эришган 70 дан ортиқ компания катнашмоқда. Ўзбекистон компаниялари ўзларининг бир қатор ишланмаларига эга бўлиб, дастурий

маҳсулотларни яратиш бўйича дунёдаги таниқли етакчи компаниялар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Мамлакатимизнинг қатор олий ўқув юртиларида дастурчилар тайёрланмоқда. Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ана шу мақсадда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда самарали фаолият юритмоқда.

"BestSoft-Uzbekistan-2010" кўргазмаси кенг оммани ва ахборот технологиялари мутахассисларини юртимиздаги дастурий таъминот соҳасида лойиҳалар яратиш ва уларни имплементациялаш амалиёти билан таништиради. Бу ерда мамлакатимиз софтвер саноатини ютуқлари ва истиқболи намоён этилмоқда.

Кўргазмада халқаро ва миллий IT-компанияларнинг дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари, контент-ишлаб чиқувчилар, провайдерлар, илмий ва таълим институтлари, вазирлик ва идоралар вакиллари катнашмоқда. Форумга қўллаб етакчи хорижий компаниялар вакиллари ташриф буюрди.

Иштирокчилар орасида бир неча йилдан буён самарали

фаолият юритиб келаётган компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва татбиқ этиш «UZINFOCOM» марказини қайд этиш лозим. Ушбу марказ мутахассислари юртимиз фойдаланувчиларига илгор инфотехнологияларни жорий қилган ҳолда бизнес самарадорлиги, бошқарув даражаси ва рақобатбардорлигини ошириш, дунё миқёсига чиқишга кўмаклашмоқда. Ўтган вақт ичида корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, хусусий тузилмалар учун қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Хусусан, ушбу фирма Ziyonet ижтимоий-маърифий тармоғи, www.uz миллий ахборот-кидирув тизимини ишлаб чиқиш ҳамда «UZ» миллий доменини бошқариш билан шуғулланди.

Кўргазмадаги «Bisoft Multimedia» компанияси сенсор киосклар учун комплекс ечимлар, лойиҳалаштириш ва хизмат кўрсатишни, жумладан, улар учун мўлжалланган махсус ускуналар — мониторлар, экранлар, картридерлар, купюрорприёмниклар, принтерларни таклиф этмоқда. Шунингдек, компания мутахассислари мижозларга «БИС» тизими асосидаги бухгалтерия омборхона ҳисоб-китоби учун дастурий таъминот ва уй-учун мўлжалланган «Ақли уй» автоматика тизимини намоён қилмоқда.

«SPELLS» компанияси 9 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзбек тили лингвистикаси, ўзбек-рус ва рус-ўзбек тилидаги таржима ва изоҳли луғатлар, Microsoft Office дастурида имло қоидаларини текшириш дастурий, транслитераторлар, матнларнинг автомат таржимонларидан иборат дастурий таъминотни яратиш билан шуғулланиб келмоқда. «SPELLS» дастурий таъминотининг сама-

радорлиги мамлакатимиздаги 1500 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар томонидан муносиб баҳоланган.

«Sarkor Solution» компанияси веб-сайтларни бошқариш бўйича дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва корпоратив порталларни амалиётга татбиқ этиш йўналишида фаолият кўрсатади. «Multisoft solutions» компанияси эса АКТ соҳасидаги инновацияларга ихтисослашган. Ушбу компания Ўзбекистонда илк бор «Paynet» электрон тўловлар тизими ва мамлакатимизда дастлабки саналган электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш нодавлат маркази ҳамда «E-karmon» интернет-тўловлар тизимини ишлаб чиқди. Кўргазманинг бошқа иштирокчилари ҳам янада қизиқарли ишланмаларни намоён этмоқда.

Кўргазма кунлари семинарлар, анжуманлар, маҳорат сабоқлари, дастурлар тақдими трансляцияси бўлиб ўтади, иштирокчилар соҳадаги илгор ютуқларни амалиётга жорий этиш бўйича фикр алмашадилар.

Тадбир доирасида «Йил маркази — дастурий маҳсулот», «IT-таълим бўйича энг яхши компания», «2009 йилда татбиқ этилган энг яхши лойиҳа», «Энг яхши талабга лойиҳаси», «Энг яхши инновацион маҳсулот» номинациялари бўйича республика танловли голиблари мукофотланади.

Ўзбекистон софтвер саноатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати мутахассисларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Кўргазма доирасида турли акциялар ўтказиш ҳам мўлжалланган. Улардан бири ишга жойлаштириш билан боғлиқ бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб, бунда IT-мутахассислари кўни ўтказилади. 50 га яқин компания катнашадиган ушбу ярмаркада ёш мутахассисларга ахборот технологиялари соҳасида истиқболли йўналишлар бўйича иш ўринлари таклиф этилади.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

лим мактаби фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Тадбирнинг иккинчи қисми ЎЗМТДП Андихон вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» фаолларининг «Ёшлар кеча, бугун ва эртага» мавзусидаги шоу тадбирига улашиб кетди. Унда партия аъзолари бўлган иқтидорли ёш хонандалар Зулайхо Ҳабибуллаева, Жавлон Аҳмедов, Рўзихон Нурматова, Махлуза Маматгафурованинг гўзал кўшиклари, актёрларнинг сахна кўринишлари, ўзбек миллий рақслари барчага манзур бўлди. 250 дан зиёд ёшлар иштирок этган тадбир якунида фаол катнашган ижодкор ва иқтидор эгалари ЎЗМТДПнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Айтиш мумкинки, форум жамиятда илгор фикрли, маънавий камолотга эришган ёшларни кашф этиш, уларда миллат тақдирига нисбатан дахлдорлик ҳиссини янада кучайтириш, буюк аждодларимизга муносиб авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, истиқлол гояларига содиқ, мустақил ва мустаҳкам ҳаётий позицияга эга ёшлар сафининг кўпайиши миллат тараққиётини ҳам шунчалик юксалтиради.

Камола АБДУВАЛИЕВА, «Ёшлар қаноти» фаоли Дилноза ҲАЙИТОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Молия вазирлиги тизимида ишонч телефонлари ишга туширилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги "Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Давлат бюджетни ижроси газначилик идоралари орқали амалга оширилмоқда.

Газначилик тизимини янада такомиллаштириш доирасида хато ва камчиликлар, қолаверса гайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 12 апрель 62-сонли махсус буйруғига биноан Назорат-тафтиш бош бошқармаси қошида "Ишонч телефон"лари ташкил этилди.

Ушбу "Ишонч телефон"лари орқали барча бюджет ташкилотлари ходимлари ва фуқаролар Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига бевосита мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳар бир мурожаат Назорат-тафтиш бош бошқармасининг етакчи тафтишчилари томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилади. Ўрганиш натижалари мурожаат муаллифига етказилади ва тегишли ҳолларда қатъий чора қўриш учун Молия вазирлиги раҳбариятига ахборот берилади.

Мурожаатлар "Ишонч телефони"га тушган кундан эътиборан ўн беш кун муддат ичида қўриб чиқилади.

"Ишонч телефони"га келиб тушган ҳар бир мурожаат эътиборсиз қолмаслиги устидан назорат бевосита Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғи ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

"Ишонч телефони"га мурожаатлар ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади (дам олиш ва байрам кунлари бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг матбуот хизмати

“Ишонч телефон”лари

Худудлар	Телефон рақамлари
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	200-50-50
Худудий бўлинмалар	
Қорақалпоғистон Республикаси	222-50-50
Андижон вилояти	222-30-30
Бухоро вилояти	220-20-20
Жиззах вилояти	226-20-20
Қашқадарё вилояти	224-20-20
Навоий вилояти	770-20-20
Наманган вилояти	234-20-20
Самарқанд вилояти	231-20-20
Сурхондарё вилояти	223-10-10
Сирдарё вилояти	235-20-20
Тошкент вилояти	200-60-60
Фарғона вилояти	222-20-20
Хоразм вилояти	223-20-20
Тошкент шаҳри	200-40-40

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Ёшлар — соғлом турмуш тарафдори

Тадбир ўқувчи-ёшларнинг югуриш маърафони билан бошланди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги коллеж ҳамда академик лицейлардан келган икки минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди.

— Спорт — соғлиқ гарови, деган гапнинг қанчалик ҳақиқат эканлигини бугун биз, ёшлар чуқур англаб етмоқдамиз, - дейди Самарқанд давлат университети қошидаги 2-сон академик лицей ўқувчиси Латиф Ахоров. — Дарсдан бўш вақтларимизда тенгдошларимиз билан лицейимизда ташкил этилган спорт тўғрақлари машғулотирига катнашамиз. Натижада ҳар доим соғлом, руҳан тетик юрамиз, фанларни ўзлаштиришимиз ҳам яхши. Энг муҳими, кашандалик, ичкиликбозлик каби иллатлардан йироқимиз.

Акция доирасида Самарқанд шаҳридаги спорт мажмуалари, коллеж ва академик лицейлар спорт залларида футбол, баскетбол ва қўл тўпи бўйича мусобақалар ўтказилди. Университет хйбонида уюштирилган расм-плакатлар кўргазмасида эса мингдан зиёд ўқувчи соғлом турмуш тарзи тарғиб этилган, ОИТС, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва кашандаликнинг оқибатлари ва уларга қарши курашиш ақс этган ижодий ишлари билан иштирок этди. Ушбу мавзуда давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилди.

Танлов ва спорт мусобақалари голиблари муносиб рағбатлантирилди.

Тадбир якунида шаҳардаги «Мўъжиза» амфитеатрида концерт дастури намоён иш этилди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ТАНЛОВ

Маълумки, “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” республика кўрик-танлови илк бора 2009 йилда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши “Аёллар қаноти” ташаббуси билан ўтказилган эди. Айтиш мумкинки, мамлакатимиз хотин-қизлари орасидан истеъдод эгаларини кашф этиш, миллий анъаналар ва қадриятларни самарали усул ва услубларга мувофиқ кенг тарғиб қилиш, аёлларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш ва сиёсий етакчилик маҳоратини оширишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган мазкур кўрик-танлов ўтган давр мобайнида унда иштирок этган хотин-қизлар ҳаётида катта ютуқ ва ўзгаришлар олиб келганига гувоҳ бўламиз.



Анъана давом этмоқда

БУ ЭСА ПАРТИЯ САФИДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШАББУСИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА КЎМАК БЕРМОҚДА

Дилноза ҲАЙИТОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Бу фикримизни танлов қатнашчилари орасидан ўтган сайловларда маҳаллий кенгашлар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатларнинг сайлангани билан ҳам исботлаш мумкин.

Кўрик-танловда иштирокчилар “Ўзини таништириш маҳорати”, “Глобаллашув жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаш муаммоси (эркин мавзу)”, “Агар мен депутат бўлсам” шартлари бўйича ўзаро беллашадилар ва ўнда ёши 20 дан кам бўлмаган, ЎзМТДП аъзоси бўлган хотин-қизлар қатнашиш имкониятига эга. Айни кунларда барча ҳудудий партия ташкилотлари томонидан анъана тусини олган ушбу кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичлари ўтказилмоқда.

Партиянинг вилоят ҳамда барча туманлари ўз эътиборини тадбирни мазмунли ва самарали ўтказишга қаратган, дейди ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Шапоат Мусаева. — Танловнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, унга партия аъзоларининг қизиқишини ошириш борасида кенг қўламли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Бунинг самараси ўларок, хотин-қизларимизнинг танловда иштирок этишга бўлган интилишлари ортди.

Билдирилган ушбу фикрлар исботи кўрик-танловнинг Жиззах ша-

ҳар босқичида ўз ифодасини топди. Боиси тадбир кўтаринки руҳда, янги ғоя ва таклифларга бой тарзда, унда қатнашган 5 нафар иштирокчиларнинг шартлар бўйича қизгин беллашувлари, баҳс-мунозаралари остида кечди. Айниқса, “Глобаллашув жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаш муаммоси” шарт бўйича ўз маҳорат ва изланишларини намойиш этган қатнашчилар йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлдилар.

Барча шартларни намунали бажарган Камола Раҳимова ғолиб деб топилди ва кейинги босқичга йўлланма олди. Уларга партия шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Танловнинг Иштихон туман босқичида бошлангич партия ташкилотлари аъзолари орасидан сараланган энг муносиб иштирокчилар вилоят босқичи йўлланмасини қўлга киритиш учун беллашдилар. Тадбирда сўзга чиққан партия туман кенгаши “Аёллар қаноти” раҳбари Феруза Тоғаева мамлакатимизда хотин-қизларга берилган юксак эътибор ва улар манфаатлари йўлида қилинаётган ишлар ҳақида гапириб, ЎзМТДП ҳам бунга муносиб ҳисса қўшишга интилаётганлигини айтиб ўтди. Жумладан, мазкур кўрик-танлов каби лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани жамият ҳаётида аёлларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Танловда иштирок этган тумандаги 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилдора Холбоева, 40-умумтаълим мактаби кутубхоначиси Меҳринсо Раббимова

ҳамда 67-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Камола Болиева ўртасидаги баҳслар қизгин кечди.

Шартларнинг бир-биридан қизиқарлиги меннинг танловда иштирок этиш иштиёқимни янада қучайтирди ва унга ҳужжатларимни топширдим. Тайёргалик қўриш жараёнида эса ўзим билмаган жуда кўп маълумот ва билимларга эга бўлдим, дейди ғолибликни қўлга киритган М.Раббимова. — Энг аввало, партияга самимий миннатдорчилигимни билдираман. Имконият ва изланишларимизни рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган бундай ташаббуслар бизни ўз олдимишга катта мақсадлар қўйишга ундамоқда.

Барча иштирокчилар партия туман кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар ва махсус дипломлар билан тақдирландилар.

Кўрик-танловнинг Самарқанд шаҳар босқичи ҳам қизиқарли баҳс-мунозаралар тарзида ўтди. Қатнашчиларнинг “Агар мен депутат бўлсам” шартда партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб ишлаб чиққан ўз сайловолди Ҳаракат дастури лойиҳаси бошқа шартлардан фарқи ўларок, қизгин тортишувларга сабаб бўлди. Мазкур лойиҳаларда қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, аҳолининг тиббий, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини юксалтириш, шу билан биргаликда жамиятда учраётган муаммоларни бартараф этишнинг аниқ чора-тадбирлари ўз аксини топгани иштирокчи аёлларнинг сиёсий етуқлиги

ва ташаббускорлигини яққол намоян этди.

Ушбу шаҳар босқичида ғолибликни Хушида Зиёдуллаева қўлга киритди, иккинчи ва учинчи ўринларга эса Зилола Мустафоева ва Махдума Шамиева лойиқ деб топилди.

ЎзМТДП Когон туман кенгаши томонидан ташкил қилинган кўрик-танлов эса миллий урф-одатлар ва анъаналаримизни иш фаолиятида намоян этиб келаётган ва айни пайтда етакчилик, ташкилотчилик борасида ҳам ўзини синаб қўришга аҳд қилган 6 нафар партияимиз аъзоси иштирокида ўтди. Глобаллашув жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаш шарт бўйича ҳалқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини йўқотишга қаратилган мафқуравий таҳдидлар ҳамда уларга қарши кураш йўлларини ўзида ифода этган саҳна кўринишлари мустақиллик, тинчлик ва оқилолликнинг қадрига етиш ва уни асраб-авайлаш каби тушунчаларни мустақамлашнинг ўзида акс эттирди.

Шартлар якунига қўра ғолиблик тумандаги 1-Иктидорли болалар мактаби ўқитувчиси Шарифа Мирзаевага насиб этди ва у вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Мазкур танловнинг Қизилқум туман босқичи коллеж ва мактаблардан танловда қатнашиш истагини билдирган 8 нафар педагог хотин-қизлар иштирокида бўлиб ўтди. Шартларни пишиқ-пuxта ва моҳирона бажарган, сиёсий етакчилигини тўла намоян этган 41-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Хосият Ҳасанова биринчи, Курбоной Аллаёрова ва Саломат Бобокулова иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб деб топилди.

Шунингдек, ушбу танлов ЎзМТДП Когон шаҳар, Қоровулбозор, Шеробод, Қумқўрғон, Денов, Бойсун, Ангор, Арнасой, Бахмал, Пахтакор, Жиззах туман кенгашлари томонидан ҳам қизгин тайёргарлик ва кўтаринки руҳда ўтказилди.

ЎЗМТДП ХРОНИКАСИ

Юксак маънавият

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ПОЙДЕВОРИ

ФАРФОНА.

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши ҳамда “Маҳалла” жамғармаси ҳамкорлигида “Юксак маънавиятли жамият — барқарорлик гарови” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия вилоят кенгаши аъзолари, партиядан халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган депутатлар, Фарғона вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Мазкур тадбир мақсади мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир” номли маърузасидан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП ташкилотлари фаолиятини қучайтириш, шунингдек “Юксак маънавият — енгилмас куч” ғоясини кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ қилишнинг муҳим аҳамияти ва бу жараёнда партия фаоллари олдига турган вазифаларга қаратилди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Н.Собиров олиб борди. “Ватанпарварлик ғоялари, жамиятда фаол бўлиш туйғуларини шакллантириш асоси” мавзусида Б.Мўминов, “Юксак маънавиятли жамият — барқарорлик гарови” мавзусида А.Йўлбарсов, “Маънавият — тараққиётнинг етакчи кучи” мавзусида М.Аҳмадалиева қилган маърузаларида илгари сурилган фикрлар долзарблиги ва бугунги кундаги аҳамияти билан иштирокчилар эътиборини тортиб, уларни қизгин баҳс-мунозараларга қорлади.

Тадбирда фуқаролар, жумладан, ўсиб келаётган ёш авлод маънавияти ва дунёқарашини юксалтириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини олдида турган уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарининг ўрни ва роли ҳақида сўз борди.

ТОШКЕНТ.

ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази туман бўлими томонидан “Махсусэсергогаз” ОАЖ ҳамда “Ўзнефтегазинформатика” ОАЖ корхонаси ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда мустақилликни мустаҳкамлаш, тинчликни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг юксак инсоний ва фуқаролик бурчи эканлиги борасида фикрлар билдирилди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ф.Ҳайтова партия дастурий вазифаларида белгиланган эзгу ғояларнинг мақсади мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилганига тўхталди.

Йиғилиш мавзуси бевосита бугунги кунда дунё бўйлаб глобал муаммага айланиб улгурган одам савдоси масаласига уланар экан, баъзи юртдошларимиз, жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг билиб-билмай мазкур жиноят қурбонига айланиб қолаётгани ҳаммани бирдек огоҳликка қорлаш ҳақида сўз борди. Бунинг учун аҳоли ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларини қучайтириш, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини мустақамлаш зарурлиги таъкидланди.

ЎзМТДП Учтепа туман кенгаши ҳамда Давлатобод маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ўтказилган “Соғлом она — соғлом фарзанд” мавзусидаги давра суҳбатда оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, улғайиб келаётган ёш авлодини соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари ҳақида фикр юритилди. Унда туман хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИХ, Саломатлик маркази туман бўлими ходимлари ҳамда шифокорлар, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар иштирок этдилар.

Тадбирни маҳалла маслаҳатчиси Шаҳноза Комилова очиб, жорий йил Давлат дастури ва унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан маҳаллада қилинаётган ишларга тўхталди. Бу борада у аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмонан ва маънан етук авлодни ўстиришга қаратилган тушунтириш — тарғибот ишларининг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлида олиб борилаётгани яхши самара бераётганини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Муҳайё Мўминова аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофиза қилиш борасида партия томонидан қилинаётган ишлар хусусида маълумот берди.

АНДИЖОН.

“Депутат қандай бўлиши керак?” мавзусидаги давра суҳбати ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” ҳамда ФЖУИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида ўтказилди. Ўқув-семинар тарзида ўтган мазкур тадбирда партия фаоллари, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари, ФЖУИ вакиллари ҳамда партияимиз сафидаги фаол ёшлар иштирок этдилар. Депутат шиори, имиж, нутқ маданияти ва жамоатчилик билан ишлаш каби масалаларни ўз ичига қамраб олган халқ депутатлари Андижон шаҳар кенгаши депутати А.Абаев, ФЖУИ вилоят МАТМ илмий ходимлари А.Узоқхонов ва У.Аҳмедовнинг маърузалари бўлажак депутатларда зарур тушунча ва кўникмаларни шакллантирди.

Интерфалол машғулотлар асосида ўтган семинарда ёшлар депутатликка номзод сифатида ўз сайловолди дастурини ишлаб чиқдилар. Айниқса, иштирокчилар С.Мирзакаримов ва А.Патидиновнинг сайловолди Ҳаракат дастури лойиҳалари мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, тадбирда ёшларнинг дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенг жалб этишга кўмак берадиган “Баҳс” клубини тузиш таклифи ҳам илгари сурилди.

БУХОРО.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва ёт ғоялар таъсирининг олдини олишга қаратилган “Маънавий таҳдидлар ва ёшлар” мавзусидаги давра суҳбати ЎзМТДП Олот туман кенгаши томонидан ўтказилди. Унда партия туман кенгаши ҳамда маҳалла фаоллари, таълим муассасалари ходимлари, шунингдек, ёшлар иштирок этдилар. Сўзга чиққан партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Р.Ғўзикулова “оммавий маданият” таҳдиди қучайган ва глобаллашув жараёнида кескин тус олаётган бугунги даврда аҳоли, айниқса, ёшларни турли зарарли оқимлар, ёт ғоялар ва маънавий таҳдидлар таъсиридан сақлаш, уларга қарши иммунитетни қучайтиришда тушунтириш-тарғибот ишларининг муҳим ўрни ҳақида фикр юритди.

Тадбир мақсади бевосита ёшлар масалаларига боғлиқ бўлгани боис, ёшлар ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан чиқиш қилдилар.

ЎзМТДП Қоровулбозор туман кенгаши томонидан “Ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда никоҳ шартномаларининг ўрни” мавзусида ўтказилган давра суҳбатида ФХД, Саломатлик маркази туман бўлимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ёш оилалар ҳамда никоҳ ёшидаги ёшлар иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ўйлол Раҳмонова мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароит, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ҳақида гапириб, бу ўз навбатида юртимизда тинч-тотув, аҳл оилаларнинг қўлайлишига пухта замин бўлаётганини айтиб ўтди.

Лекин, шу билан биргаликда, айрим ҳолатларда никоҳ шартномасини четлаб ўтиш ҳолатлари юз бераётгани, бу эса баъзи ҳуқуқий-мулкий низоларни келтириб чиқараётгани тилга олинди. Бунинг учун, энг аввало, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш зарурлиги таъкидланди. Туман Саломатлик маркази томонидан тақдим этилиб, бу каби масаланинг нечоғли аҳамиятли эканини ўзида қамраб олган видеоорлик намойиши ёшлар эътиборини тортиб, Тадбирда мавзу бўйича батафсил маълумотлар берилди.

ЎзМТДП Ахборот хизмати

ТАДБИР

Ёш оилалар — келажагимиз пойдевори

Оила шундай гўшаки, унда фарзандлар камол топиб, миллат бардавомлиги таъминланади. Шунингдек, у орқали халқимизнинг тарихий қадриятлари, ўзига хос анъана урф-одатлари авлоддан авлодга етиб келади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам оила масаласига эътибор орқали жамиятимиздаги барқарорлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш ғоясини илгари суради. ЎзМТДП Марказий Кенгаши “Аёллар қаноти”, Тошкент шаҳар Учтепа туман ҳокимлиги ва Республика “Оила” илмий-амалий маркази ҳамкорлигида “Ёш оилалар келажагимиз пойдевори” мавзусида ўтказилган тадбир ҳам бу қутлуғ масканининг тинч ва фаровонлигини янада оширишга қаратилди.



Унда Учтепа туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда ушбу ҳудуддаги “Дегрез”, “Кўхна Чўпон ота”, “Нишаб ариқ” маҳаллаларининг энг намунали ёш оилалари, ибратли қайнона ва келинлар иштирок этди. Тадбирни Учтепа туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Каримова кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг сўзга чиққан маърузачилар томонидан оила халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик

анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим, боқий қадриятлардан бири, фуқаролик жамиятининг таянч нуқтаси эканлиги, ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти, ривожланиши ва мустаҳкам илдиэ отиши, энг аввало, оила тинчлиги ва аҳиллиги бевосита боғлиқлиги ҳамда бугунги кунда мамлакатимизда бу борада кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, иштирокчиларга оилани мустаҳкамлаш, оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларининг амалдаги ижросини таъминлаш, бу борада мавжуд муаммоларни ўрганиш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Оила, Фуқаролик ва Меҳнат кодекслари, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги каби қатор Қонунлар ҳамда Президентининг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармоннинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди.

Шунингдек, энг намунали ёш оилалар, ёш келинлар ўртасидаги беллашувлар, уларнинг турли чиқишлари, хонандаларнинг дилтортар қўшиқлари тадбирнинг маданий қисмига кўтаринки руҳ бағишлади.

Тадбир сўнггида ёш оилаларга Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳамда Учтепа туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Дониёр ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП ахборот хизмати ходими

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

КОНУНЧИЛИКПАЛАТАСИДА

Бугунги реклама

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАЛАБЛАРИГА МОСМИ?

(Давоми.
Боши 1-бетда)

— Маълумки, мамлакатимизда бозор иқтисодини чуқурлаштириш жараёнлари изчиллик билан олиб борилмоқда, деди у сўз бошларкан. — Бу даврда табиийки, рекламага бўлган эҳтиёж ҳам кундан-кунга ортади. Натижада соҳага алоҳида эътибор қаратиш зарурати юзага келди ва парламент томонидан 1998 йилда “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун ва бошқа қонуности ҳужжатлари реклама бозорининг ривожланиши, тадбиркорлик ва истеъмол маданиятининг юксалишида муҳим аҳамият касб этди.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда мамлакат реклама бозориди 200 дан ортиқ реклама агентликлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг тўқсон фоизи пойтахтимизда жойлашган. Бироқ шуниси ачинарлики, соҳада ихобий ўзгаришлар билан бирга жамият манфаатлари ва қонун талабларига зид бўлган реклама ва реклама характеридаги ахборотлар ҳам тарқатилмоқда. Реклама материалларини жойлаштириш, шунингдек, тарқатиш амалиётининг таҳлилий натижаларига кўра, айрим реклама тайёрловчи ва реклама берувчи тадбиркорлар ўз маҳсулот ва хизматларига бўлган талабни ошириш мақсадида реклама тарқатиш воситаларидан фавқат ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш ҳолатлари кузатишмоқда. Бу жиҳатлар, айниқса, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини реклама қилишда яққол кўзга ташланмоқда.

Ўтган йилги мониторингда аниқланган 333 та қонун бузилиши ҳолатининг 118 таси, яъни 34 фоизи тамаки, тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар рекламасининг ноқонуний тарзда тарқатилишига тўғри келган. Афсуски, баъзи тадбиркорлар ушбу товарларнинг ном ёки белгилари билан бошқа маҳсулот ҳамда хизмат кўрсатиш масканларини аташмоқда. Масалан, реклама бозориди “Буфетная”, “Столетов”, “Монополия”, “Медведов”, “Мемфис” савдо белгиси остидаги ароқ ва тамаки маҳсулотлари билан бир хил номга эга бўлган бошқа маҳсулот, хизмат турлари ва кўнгилочар тадбирлар рекламаси маъжуд. Бу эса ўз-ўзидан рекламаси маън этилган товарларни яширин равишда тарғиб-ташвиқ қилишга киради. Айни ҳолат амалдаги “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо эътапти.

Ишчи гуруҳ қўриб чиқаётган мазкур қонун лойиҳасида барча тур ва қувватдаги алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларининг рекламасини қатъий таъқиқлаш тақлиф қилинмоқда, шунингдек, уларнинг яширин рекламаларини тарқатиш ҳолатларини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий телерадиокомпания, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ва қиллари реклама талабларининг бу кўринишда бузилганлиги ёш авлод тарбиясига жиҳидий зиён етказиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашди.

Анжуманда қонун лойиҳаси бўйича иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва амалий тақлифлар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шухрат ДЕХҚОНОВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Давлат тилига муносабат масаласига миллий қадрият сифатида қарасак, фракцияси аъзолари томонидан “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг қўллаб-қувватланиши табиий. Чунки, сайловолди Ҳаракат дастуримизда тил, нутқ маданиятини оширишга қўмаклашиш, адабий тилдан фойдаланиш қоидалари бузилишига қарши аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб бориш, шу муносабат билан давлат тилининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги ишларни давом эттиришни ўз олдимизга вазифа сифатида белгилаб олганмиз.

Эътибор қаратадиган бўлсак, ташқи рекламаларда давлат тилидаги ёзувлар, боринги, номлар низоҳатда кам. Хорижий ибора ва сўзлардан фойдаланилган, мазмунан савё реклама мантларининг аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятига таъсири ўз-ўзидан маълум. Афсуски, кирилл ва лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги рекламаларнинг айримларида адабий тил қоида ва меъёрлари бузилиши ҳам тез-тез учраб турибди. Қўриб чиқилаётган ушбу қонун лойиҳасининг 6-моддасига киритилаётган янги нормада айнан шу муаммолар қонуний бартараф этилиши кўзда тутилмоқда, яъни “ахборотнинг мазмун-моҳияти бузилишига олиб келувчи хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш” таъқиқланмоқда.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари рекламасидан мақсад истеъмолчилар сафини кенгайтиришга қаратилди. Бу эса ўз-ўзидан улғайиб келаётган ёшларни ҳам ички ва чекишга қаҳиради. “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси концепциясига асосан тамаки ва алкоголь маҳсулотлар рекламасини таъқиқлаш кўзда тутилмоқда. Концепциянинг бош ғояси бизнинг партиямиз Дастуридан ўрин олган ёш авлод тарбияси, уни камолга етказишда миллий қадриятларга таяниш, шунингдек, келгусида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш, ўз соғлиғига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, соғлом оилани қарор топтириш, оилавий қадриятларни тарғиб қилиш, жумладан, ёшлар ўртасида тамаки чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик иллатларининг олдини олиш каби мақсад-вазифаларга хизмат қилади.

Абдор Умарқулов,
“Millyi tiklanish” мухбири(Давоми.
Боши 1-бетда)

авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир”.

Шу асосда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бошчилигида ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол авлодни вояга етказиш йўлида ҳаётимизда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган натижаларга эришилмоқда.

Бугун юртимизда ҳар жиҳатдан баркамол авлодни камол топтириш учун зарур бўлган барча ташкилий-ҳуқуқий, моддий-маънавий шароитлар тўла-тўқис яратилган. “Баркамол авлод йили”да мана шу ишларни юксалтириш, болалар ҳамда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини янада тўлароқ ҳимоя қилиш ва таъминлаш, уларнинг илмий, ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш имкониятларини янада кенгайтириш вазифалари қўйилмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 27 январдаги Қарори билан тасдиқланган “Баркамол авлод йили” Давлат дастури ўз кўлами, аҳамияти ва моҳияти билан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, уларни XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратишга қаратилган бўлиб, муносиб авлодни ўстиришда муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури 11 бўлим ва 101 банди ўз ичига олган бўлиб, унда белгиланган тадбирларни амалга оширишга жами 7898,03 млрд. сўм ва 165,43 млн. доллар миқдоридида маблаг сарфланиши кўзда тутилган. Мазкур рақамлар ушбу дастурнинг кенг кўламини кўрсатиш баробарида унинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ҳам ифодалаш имконини беради. Хусусан, ушбу дастурнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти **биринчидан**, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида маъжуд ҳуқуқий базани такомиллаштириш; **иккинчидан**, соғлом авлодни вояга етказиш, тиббий хизмат тизимини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш; **учинчидан**, таълим соҳасида барпо этилган моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланиш, давлат таълим стан-

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури 11 бўлим ва 101 банди ўз ичига олган бўлиб, унда белгиланган тадбирларни амалга оширишга жами 7898,03 млрд. сўм ва 165,43 млн. доллар миқдоридида харажатлар сарфланиши кўзда тутилган. Мазкур рақамлар ушбу дастурнинг кенг кўламини кўрсатиш баробарида унинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини ҳам ифодалаш имконини беради.

дартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услувий адабиётларни такомиллаштириш; **тўртинчидан**, таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш; **бешинчидан**, ёш авлоднинг жисмоний тарбияси ва болалар спортини янада ривожлантириш; **олтинчидан**, ёшларни, авваламбор, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш; **еттинчидан**, ёшларнинг ижодий, илмий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш кафолатларини кенгайтириш; **саккизинчидан**, ёш оилалар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш; **тўққизинчидан**, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда намоён бўлади.

Давлат дастурининг асосий йўналишлари ҳақида сўз борар экан унда энг аввало, бу борадаги ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масаласи катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Унга кўра амалдаги норматив-ҳуқуқий базани инвентаризация қилиш, “Альоголлик ичимликлар ва тамаки тарқатилиши ҳамда 20 ёшга тўлмаган шахслар томонидан алкоголь истеъмол қилиш ва тамаки чекиши чеклаш тўғрисида”ги ва “Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси тўғрисида”ги бошқа бир қатор янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш вазифалари белгиланган.

Табиийки, соғлом авлод деганда, биринчи навбатда соғлом насл тушунилади. Шу борада “Баркамол авлод йили” Давлат дастури “Соғлом она – соғлом бола” ғоясини ўзида муҳасам этган кенг кўламли чора-тадбирларни, давом эттириш шу жумладан, фертил ёшдаги аёлларни ва 14 ёшга-ча бўлган қиз болаларни 100 фоиз қамраб олган ҳолда чуқурлаштирилган комплекс тиббий курикларни ташкил этиш, репродуктив саломатлик ва улар соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам сифатини ошириш, тиббиёт ва соғломлаштириш муассасалари учун бинолар қуриш ва реконструкция қилиш, даволаш-профилактика муассасаларини замонавий тиббий ва лаборатория ускуналари, мебель билан жиҳозлаш, аҳоли овқатланиши сифатини яхшилаш дастурини амалга оширишни давом эттириш каби тадбирларни назарда тутди. Дастурнинг ушбу йўналишдаги муҳим тадбирларни доирасида 74 та қишлоқ врачлик пунктларини тўлиқ ва 2315 ташқи қўшма равишда жиҳозлаш белгиланганлиги, айниқса, қишлоқ аҳолисининг саломатлигини сақлашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ушбу ўринда шуни алоҳида қайд этиш



“Баркамол авлод йили” Давлат дастури

АҲАМИЯТИ, МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

керакки, 2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Президентимиз Ислон Каримов таъкидланганларидек, “Баркамол авлод ҳақида сўз борганда, ўтган йиллар давомида катта куч ва маблаг ҳисобидан таълим соҳасида барпо этилган моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласи қанчалик муҳим экани барчамизга аён бўлиши

Айни пайтда қабул қилинган дастурда касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрталарини битириб чиқаётган ёшларга эғаллаётган энг замонавий билим ва қўникмаларни амалда жорий этиш учун уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш йўналишидаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ушбу дастурга мувофиқ ёшлар учун камида 520 минг янги иш ўринларини, шу жумладан кичик корхоналар, фермер ҳўжаликлари ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришда - 345 минг иш ўрни; янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ва ишлаётганларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришда - 71 минг иш ўрни; қасаначиликни, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни кенгайтиришда - 104 минг иш ўрнини ташкил этиш кўзда тутилганлиги аҳамиятлидир.

Ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг яна бир муҳим устувор йўналишларидан саналади. Зеро, бугунги кунда тараққиёт ҳақида сўз борганда, илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти нечоғлик муҳим эканлиги ҳақида тўхталиб ўтишнинг ўзи ортқча. Ўртбошимиз таъкидлаганларидек, “Биз мамлакатимизнинг келахатини кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда тараққиёт топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илгор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва олий ўқув юрталари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишига эришишимиз керак”.

Бу йўналишдаги ишларга туртки бериш мақсадида дастурда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳузурида Инновацион технологиялар соҳасида илмий ва амалий тадқиқотларни рағбатлантириш жамғармаси ташкил этиш, Олий таълим муассасаларида Ёш олимларнинг илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаларини шакл-

қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари билан таъминлаш, бюджет маблағлари ҳисобига ҳомилдорлик ва туғруқлар, бола туғилгандаги нафақаларни, болаларни (2 ва 18 ёшга-ча) парвариш қилиш бўйича нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тўловларини таъминлаш йўли билан ёш оилалар тўғрисида ғамхўрликни янада кучайтириш, 1-синф ўқувчиларини ўқув анжомлари тўплами билан, кам таъминланган оилалардан мактаб ўқувчиларини эса қишқи кийим тўплами билан бепул таъминлаш каби бир қатор амалий аҳамиятга молик тадбирлар Давлат дастуридан ўрин олган.

Маълумки, болалар ва ёшларнинг маънавий олами юксалтириш уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи юртимизда энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, “Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эғаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир”. Шу сабабли дастурда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” никоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш бўйича қатор чора-тадбирлар ўз ифодасини топган. Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантиришга, ўз соғлиғига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга, соғлом оила қарор топтиришни тарғиб қилишга, шунингдек қўйидагиларга йўналтирилган “Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда” комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўзбек халқ эртаклари, дostonлари сюжетлари асосида болалар ва ёшлар учун 10 та мультпликацион ва 4 та бадий фильм, ўзбек халқининг бой тарихи, миллий анъаналари, Ватанимиз атоқли кишиларининг ватанпарварлиги, ҳаёти ва ижоди тўғрисида 6 та миллий сериал ва 6 та ҳужжатли фильм, болалар ва ўсмирлар учун камида 3 та миллий компьютер ўйинларини тайёрлаш,

Маълумки, болалар ва ёшларнинг маънавий олами юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи юртимизда энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, “Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эғаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир”.

лантириш, оқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, иқтидорли ёшларнинг интеллектуал савиясини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш, ижодкор истеъдодларни ҳамда болалар ва ўсмирлар қобилиятини аниқлашга қўмаклашиш мақсадида 51 та болалар мусиқа ва санъат мактабларини янгидан қуриш, мукаммал реконструкция қилиш каби бир қатор масалалар бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.

Давлат дастурида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлиши оилага, уни ҳар томонлама асраб-авайлаш бўйича тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, Президентимиз қайд этганларидек, “соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа деб билишимиз даркор”.

Шу маънода, ёш оилаларни уй-жой

2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашга йўналтирилган жаҳон ва ўзбек адабиёти классикаларининг асарларини ва бошқа адабиётларни нашр этиш, миллий ғоя ва мафкура, мамлакатимиз тарихи мавзулари бўйича веб-ресурсларни янада кенгайтириш тадбирлари шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг самарали ижро этилиши мамлакатимизда баркамол авлодни камол топтириш йўлидаги эзгу ишларни яна бир поғона юқорига кўтариш, болалар ва ёшларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Шухрат ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
директори, юридик фанлар
доктори, профессор

МАЪНАВИЯТ

ФАОЛИЯТ

Ёшлар маънавияти

ТАДБИРЛАР АНА ШУ ЙЎНАЛИШГА ҚАРАТИЛМОҚДА

Маънавият қанчалик юксак бўлса, инсон қалбида жоҳиллик, худбинлик, ялқовлик каби салбий иллатларга ўрин қолмайди. Бунинг ўрнида ўқувчи-ёшларимиз онгидида ватанпарварлик ва яратувчанлик туйғулари юксак даражага кўтарилади. Жумладан, кичлик йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган коллежимизда ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Таълим-тарбия ишлари билан ҳамроҳ равишда маънавий-маърифий соҳа ҳам кун сайин ривож топмоқда. «Баркамол авлод йили»да ўқув масканидида амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва унга кўра ўқувчилар ўртасида турли анжуман ва тадбирлар ўтказилмоқда.

Курашбой БЎБАКОВ,
Кўшраббот саноат ва сервис
касб-хунар коллежи директори

Ўқув йили давомида ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирлар гоёвий-сиёсий, ватанпарварлик, ин-

сонпарварлик, ҳуқуқий ва маданий, эстетик ҳамда жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик каби йўналишларни ўз ичига олади.

Гоёвий-сиёсий тарбия — ўқувчиларга «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Кучли давлатдан кучли жамият сари», «Бунёдкорлик — фаровонлик асоси» сингари бунёдкор гоёвий вазибаларни ёритувчи ва сиёсий онгни юксалтирувчи тадбирларни ҳамда мамлакатимизда ва ер юзидида содир бўлаётган сиёсий жараёнларни акс эттирилади.

Ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси эса «Ватанни севмоқ иймондандир», «Туркистон — умумий уйимиздир», «Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда», «XXI аср ёшлари гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қарши», «Ҳамма нарса инсон учун, унинг бах-

ти-саодати учун» каби мавзулар ўқувчиларни юртни севиш, уни асраб-авайлашга ҳамда яқинларига нисбатан ҳурмат, ғамхўрлик ва меҳр-оқибат туйғуларини шакллантиради.

Ҳуқуқий ва маданий тарбия бўйича ўқувчи-ёшларнинг ўз ҳуқуқлари савиясини янада юксалтириш борасида маънавий-маданий етук инсонлар бўлиб етиштирилишига қаратилган «Сиз ўз ҳуқуқингизни ва тарихингизни биласизми?», «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Миллий ўзликни англаш — давр талаби», «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» каби мавзуларда тадбирлар уюштирилади.

Жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик тарбияси бўйича ўқувчи-ёшларимизни соғлом ва бақувват бўлишларига қаратилган тадбирлар — миллий байрамларга бағишлаб, спортнинг ҳар хил тури бўйича мусобақалар ўтказилади.

Юқоридаги вазибаларни таълим муассасаларида бажарилишида моддий техник, ахборот базасини мустаҳкамлаш ва илғор педагогик технологияларни қўллаш билан бирга ўқитувчи-мураббий ва талаба-ёшларнинг маънавий савиясини янада юксалтириш мақсадга мувофиқдир.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



Болалар адабиёти

АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИ
БУ БОРАДА ЎЗ ТАКЛИФ-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ
БИЛДИРДИЛАР

Яқинда Республика Болалар кутубхонаси «XXI асрда болалар китобхоналиги» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди. Унда кутубхона директори Фотима Бухарова гапни болалар китобхоналиги ва мутлоаа маданияти баркамол авлод маънавиятини шакллантиришнинг асосий мезони эканлигини бошлаб, Ўзбекистон Президентини Исроил Каримовнинг «Биз учун гоёта муҳим аҳамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, мустақил фикр-лайҳадан шахнинг шаклланиши, ҳар қандай китобхоналиги, мутлоаа маданияти болаликдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим» деган кўрсатмасини ўртага қўйди.

ҳақида тўхталдилар. «Ёш китобхоналар қизиқишини ўрганишда ижтимоий сўровларнинг ўрни» мавзусида Республика Болалар кутубхонаси ахборот технологиялари бўйича раҳбар ўринбосари Муқаддас Комилова маъруза қилди. У сўровлар натижасида қўлга киритилган диаграммаларни намойиш этди. Маълум бўлишича, ўрта ёшли болаларнинг аксарияти маънавий романлар, детектив қиссаларни ўқишаркан. Модомики, шундай экан, болалар учун махсус асарлар нашрини янада кучайтириш лозим, деган таклиф ва фикрни билдирди.

Миразиз АбЗАМ

Айни чоғда ҳамма кутубхоналар электрон ахборот ресурслари билан жиҳозланган ва жиҳозланаётган бир даврда бизнинг соҳа жонқурали зиммасидаги вазибаларнинг йўналиши бирмунча ўзгарганини ва бу нарса ҳаммамизга — нафақат кутубхоначилар, балки бутун таълим кадрлари, ёшлар ҳаракати фаоллари, ноширлар, шоирлар, ёзувчилар, барча зиёлилар зиммасига ҳам янгидан-янги масъулиятлар юклатганини эслатиб, бугунги кунда нимадларга эътибор беришимиз зарурлиги борасида биргаликда маслаҳатлашиб, қиладиган ишларимиз дастурини белгилаб олиш зарурати кун тартибда кўндаланг турганини айтиб ва илмий-амалий конференцияни очиб деб эълон қилди.

Илмий-амалий анжумани олиб борган Ўзбекистон Миллий китоб палатасининг раҳбари, филология фанлари номзоди Зухриддин Исомидинов болаларга чиқарилаётган нашрлар ҳақида сўз очиб, бу соҳадаги бир қатор ютуқларни, чунотчи, йилдан-йилга нашрлар мутасил ошиб бораётганини инкор этмаган ҳолда, янги алифбодаги болалар адабиёти нашрлари ҳали етарли эмаслигини таъкидлади. Яна у ОАВда китоб нашрига оид рекомандацияларни кучайтириш, китобхоналиги мусобақалари ва болалар адабиёти нашри соҳасида танловлар ўтказиб туришини таклиф қилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари Абдуғани Холбеков, вазирилик болалар қироатхоналигини кучайтириш учун бир қатор тадбирларни режага киритганини билдирди. Яна у шундай деди: - Бу йилнинг ўзида вазирилик ҳамма вилоятларда, мактаблар ва кутубхоналар билан биргаликда, қироат мусобақаларидан ташқари, муаллимлар билан учрашувлар ҳам ўтказилди. Шоирлар, ёзувчилар, олимларни китобхоналар билан учрашувларга олиб бориб, болаларни яна нимадир қизиқтириши борасида суҳбатлар ташкил қилишни, уларга дастхатлар ёзиб беришларини уюштиришни ре-

жалаштирди. Бу яхши самара беришига ишончимиз комил. Яна биз ҳамма мактаблардаги 1-9-синф ўқувчиларининг ота-оналарига ўз болалари учун ҳар ойда 3 та китоб олиб бериш масъулиятини ўртага қўйяймиз. Кам таъминланган оилаларнинг болаларига китоб олиб беришни хомийлар топамиз.

Миллий таълимга хизмат қилувчи китоблар, жаҳон адабиёти намуналари, технология оид янги дарсликлар, антологиялар, энциклопедиялар учун шу яқин чораларда 33-34 млн. сўм маблағ ажратишга қарор қилдик. Бизнингча, шу йилнинг охирига келиб ижобий натижалар кўзга ташлан-шидан умид қилса бўлади.

Бу илмий-амалий маслаҳатлар характеридаги йиғиннинг аҳамиятини шундан билса бўла-

мавзусида «Шарқ» нашриёти матбаа акциядорлик компани-яси бош таҳририяти болалар адабиёти бўлимининг мудири, Республикада хизмат кўрсатган журналист Эркин Малик нутқ ирод қилди. У нашриётнинг халқаро обрўи ошиб бораётганини тўғрисида тўхталди. Чунотчи, Ўзбекистон Президентини Исроил Каримов асарларининг араб шарқ дунёсида муштарийлиги кўпайиши ва яна ортиб бораётганини маълум қилди. Сўнгра болалар адабиёти муҳарририяти яқин ўтмишда қирил алифбосида нашр этилган китобларни лотин алифбосига ўтказиб чиқараётгани, бу эса янги алифбога ўтган болаларимизнинг жаҳон адабиёт дурдоналарига ташанлигини имкон қадар тезроқ қондириш муаммосини ҳал қилаётганини билдирди.

Республика Президентининг Ахборот-технология марказлари ташкил этиш тўғрисидаги қароридан кейин кутубхоналар 12.000 электрон техника билан таъминлангани, ягона электрон каталоги барпо этилганлиги, янги техникани эгаллаш учун кадрлар малакасини ошириш йўлга қўйилганлиги, молиялаштириш ишлари амалга оширилганлиги ҳақида ахборот бердилар.

дики, унда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам қатнашдилар. Улар Қонунчилик палатасида бу соҳага оид бир неча қўнун қабул қилинишига эришилганлиги тўғрисида гапирдилар. Республика Президентининг Ахборот-технология марказлари ташкил этиш тўғрисидаги қароридан кейин кутубхоналар 12.000 электрон техника билан таъминлангани, ягона электрон каталоги барпо этилганлиги, янги техникани эгаллаш учун кадрлар малакасини ошириш йўлга қўйилганлиги, молиялаштириш ишлари амалга оширилганлиги ҳақида ахборот бердилар. Улар бу анжуманнинг қадри ва аҳамияти катталарда, мактаблар ва кутубхоналар билан биргаликда, қироат мусобақаларидан ташқари, муаллимлар билан учрашувлар ҳам ўтказилди. Шоирлар, ёзувчилар, олимларни китобхоналар билан учрашувларга олиб бориб, болаларни яна нимадир қизиқтириши борасида суҳбатлар ташкил қилишни, уларга дастхатлар ёзиб беришларини уюштиришни ре-

«Ёшлар маънавиятини шакллантиришда мутлоаани ўрни» ҳақида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши маданият ва маънавий-маърифий ишлар бўлими мудири Олмас Бобонов чиқиш қилди.

Конференцияда яна Тошкент Маданият коллежининг катта ўқитувчиси Мирзоат Исҳоқов «Болаларда ўқиш маданиятини шакллантириш» тўғрисида, Республика Болалар кутубхонасининг бош кутубхоначиси Умид Иброҳимова «Болалар ўқиши психологияси» ҳақида, болалар шоири ва таржумон Миразиз Абзам «Болаларнинг китоб ўқишларини қўлайлаштириш йўллари» борасида, шоир ва рассом Даврон Ражаб «Ўзир-ғи кунда болалар ўқиши» мавзусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Республиканинг турли вилоятларидан келган кутубхоначилар эса ўзларининг ютуқ ва муаммолари билан ўртоқлашдилар, депутатлар, Таълим вазирилик вакиллари билан савол-жавобларда ечимини кутаётган бир талай масалаларни ўртага қўйдилар.

МОЗИЙ САДОСИ

Экспонатлар 60 мингга етди

Музейлар миллат тарихи ва бебаҳо меросидан хабар берувчи энг ноёб воситалардан биридир. Шу боис, айниқса мустақиллик даврида музейларга давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидида 89 та музей фаолият кўрсатмоқда.

Улар орасида Қорақалпоғистондаги Ўлкашунли музейининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда музейда 60 мингга яқин экспонат жойлашган. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Бадий академияси бошчилигида турли хил кўргазма, байрам тантаналари, юбилей, ранг-баранг мавзуда кечалар ташкил этиш одат тусига кирган. Жонқуяр жамоа Ўзбекистон миқёсида бўлиб ўтаётган музейлар фестивалларида ҳам фаол иштирок этиб, юқори даражали дипломлар билан тақдирланган. Жумладан, 2006 йилда Қарши шаҳрида ўтказилган 1-халқаро музейлар фестивалида 1-даражали диплом билан тақдирланган бўлса, 2007 йил Мўғилон шаҳрида бўлиб ўтган II-халқаро музейлар кўни фестивалида «Энг яхши сақланган экспонатлар» номинацияси бўйича голиб деб топилди. Музейда олий ўқув юртли, коллеж ва мактаб ўқувчилари учун экскурсиялар, ўқувчи кечалари ташкил этилмоқда. Музейшунос олим-

лар ўз талабалари билан шу ерда дарс ўтадилар. Қорақалпоғистон Давлат университети, Ажиниёз номидаги Педагогика институтини билан ҳамкорликда музей дарслари ўтказилмоқда. Мактаб ўқувчилари учун «Ёш ўлкашунос» тўғрисида фаолият олиб бормоқда. Музей жамоаси ҳар йили 50 мингдан зиёд томошабин, жумладан, мактаб ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ёғи оромгоҳлардаги болаларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Унинг экспозиция залларидаги «Музейнинг 80 йиллик юбилейи», «Юрт учун қўрбон бўлганлар», «Юртининг янги тус олиши», «Ортодошларимиз — Ўзбекистон Қасамонлари», «Қорақалпоғистон Республикаси тарихидаги репрессия қўрбонлари» ва бир гуруҳ фидокорона хизмат қилган инсонларни юбилей кечалари тасвирланган тарихий тасвирлар жамламаси ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирмоқда. Бугунги кунда музей ўз бағрига янгидан-янги кашфиёт ва илмий изланишларни йиғиб бормоқда.

Юртимиздаги ҳар бир вилоят ўзига хос тарихи, удуми ва анъаналари билан ажралиб туради. Зеро, бунинг Жиззах туманидаги Ўлкашунли музейида ҳам яққол кўзатиш мумкин. Музейида воҳанинг қадим тарихи, халқимиз урф-одатлари акс этган 21 мингга яқин экспонат мавжуд.

Воҳа тарихидан сўзлайди

Илмий ходимлар томонидан «Баркамол авлод йили»га бағишлаб вилоят ўқув даргоҳларида «Истиқлол, маънавият ва музей», «Баркамол авлод орузи», «Баркамол авлод — юрт таянчи», «Барҳаёт сиймолар» каби кеча ва давр суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Вилоятдаги мактаб, коллеж ва олий ўқув юртли учун бот-бот кўргазмалар ташкил қилинади. Натижада ташриф буюрувчилар сонин кундан-кунга ортиб бормоқда, дейди музей директори Амир Аманжолов. - Улар орасида Япония, Германия, Африка ва корейлик сайёҳлар ҳам бор. Улар айниқса, халқимиз тарихи ва анъаналарида оид экспонатларни катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Жиззах воҳасида бундай музейлар ягона эмас. Жумладан, Шон-шухрат, Шароф Рашидов, Ҳамид Олимхон, Зулфия, Ҳамроқул Носиров каби ёдгорлик ҳамда Зомин тарих музейлари келганларга юртимизнинг ўтмишидан ҳикоя қилиб турибди.

Мухтасархон КАРИМОВА

ЭҚТИРОМ

Эътиқод — муқаддас аъмор бўлиб, инсонга мудом куч-қувват ва илҳом бағишлайди, эзгу мақсадларга чорлайди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси кафедраси профессори, филология фанлари доктори, «Шуҳрат» медали соҳиби Ёрмат Тожиёв она тилимиз равнақи учун беминнат ва ҳалол хизмат қилиб келаётган ана шундай эътиқодли устозлар сирасига қиради.

Гулчехра КЕЛДИЁРОВА,
Тошкент Кимё-технология
институтини тиллар кафедрасининг
мудири, доцент,
Тўмарис АбЗАМ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Сўз билимдони

ўзига хос воқеа бўлди.

Доцент Тожиёв улғу устозларидан ибрат олиб, илм-фанга фидойиликни, чинакам зиёлига хос бўлган олий кадрларни ўзига мужассамлаштиришга интилди, билим доирасини тинмай кенгайтириб боришга ҳаракат қилди. Айниқса, талабалар билан ишлаш жараёнида олимнинг илм соҳасидаги барча ижобий кирралари, хусусан, ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги ёрқин намоён бўлди. Иқтидорли олим илмий фаолиятининг асосий қисмини ўзбек тилшунослигининг равнақи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган сўз таркиби, ўзбек тили морфемалари, айниса, эргаш морфемаларининг ўзига хос хусусиятларини изчил ўрганишга бағишлади. Домланинг 1991 йилда «Ўзбек тилида аффиксал синонимия» мавзусида ёқлаган докторлик диссертацияси ҳам танлики тилшунос олимларнинг эътирофига сазовор бўлди.


Профессор Тожиёвнинг «Ўзбек тилида эга эканлик ва эга эмаслик маъноларини ифодаловчи эргаш морфемалар маънодошлиги», «Ўзбек тилида феъл ясовчи аффиксал синонимияси», «Морфемика ва сўз ясалиши» каби монографиялари, «Ўзбек нутқи маданияти ва услубий асослари» дарслиги, «Ўзбек тили грамматикаси», икки китобдан иборат «Ўзбек нутқи маданияти ва услубий асослари амалиёти» сингари қўлланмалар унинг ниятда серқирра олим эканлиги, изланишлар қўламининг кенглиги ва кетма-кетлигидан дарак беради.

— Биз Ёрмат Тожиёвнинг аввало саховатли қалб эгаси, эътиқодли ва


фидойи олим,

талабаларга ғамхўр ва талабчан устоз сифатида қадрлаймиз, дейди ЎЗМУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Раёно Сайфуллаева. — Домланинг илмий раҳбарлигида 16 та номзодлик ва битта докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Салкам ярим асрлик илмий-педагогик фаолияти давомида устоз минглаб миллий кадрлар тайёрлаганига улкан ҳисса қўшдилар, таълим тизимини такомиллаштиришга оид эллиқдан ортик услубий қўлланма, дастур, ўқув қўлланмалари, рисоалар яратдилар, юздан зиёд илмий ишларга тақриз ёзганлар, кўплаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига оппонентлик қилганлар. Ҳозирги кунда ҳам устозимизнинг илмий раҳбарлигида 2 та аспирант ва 2 та докторант тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Ўтган йили профессор Тожиёв «Шуҳрат» медали билан тақдирландилар. Домланинг илмга фидойилиги, она тилимизга эътиқоди ва садоқатидан, устозлари ва ҳамкасбларига, оиласига меҳр-оқибатидан бугунги баркамол авлод ҳар қанча ибрат олса арзийди.

Раёнохон Сайфуллаева ҳақ гапни айтдилар. Забардаст олим, муруватли устоз, узокни кўра билувчи мураббий, сўзга эътиқод ва муҳаббат билан яшаётган профессор Ёрмат Тожиёв умрининг ҳар янги баҳорини ижодий кўтаринчилик руҳида, илмий ва педагогик фаолиятида янги чўққиларни кўзлаб, эзгу ниятлар орузида кутиб олади.



1967 йилда университетни имтиёзли диплом билан битирган Ёрмат Тожиёв педагогик фаолиятини ўзбек тилшунослиги кафедрасининг ўқитувчиси сифатида бошлади ва шунинг баробарида олий мақсад ва эътиқодга айланган илм билан ҳам жиддий шуғулланди. Талабаларнинг машғулотларини ўзгача қизиқиш ва иштиёқ билан қуттишлари ёш олимни янги кашфиёт ва муваффақиятларга илҳомлантирарди. У тинимсиз ўқиди, изланди. 1974 йилда аллома Аюб Ғуломов раҳбарлигида «Ўзбек тилида эга эканлик ва эга эмаслик маъноларини ифодаловчи аффиксал синонимияси» мавзусида ёқлаган номзодлик диссертацияси ўзбек тилшунослиги тараққиётида



Мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, маънави рақиб тарбиялаш энг устувор вазифалардан бирига айланган.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Бу хайрли мақсадларга эришишда спорт, айниқса, бола-

лар спортини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Давлати-

Мураббий

ЧЕМПИОНЛАРНИ ТАРБИЯЛАМОҚДА

миз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузиш тўғриси-

да»ги, 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш

НИГОҲ

чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 5 майдаги «Болалар спортини объектларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ва қарорлари бу борадаги хайрли ишларни ташкил этишда ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий шарт-шароитларга эга спорт заллари барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Спорт тўғрисидаги ёшларимиз учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Уларда келажакимиз эгалари жисмонан чиниқиб, юртимизнинг доврғини дунёга танитадиган моҳир спортчилар бўлиб етишмоқда. Ўз соҳасининг чинакам фидойиси бўлган спорт мураббийлари ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Зоирхон Холов ана шундай мураббийлардан саналади. У бутун умрини спортнинг миллий кураш турига бахшида этган. З.Холов 1994 йил Янгйер шаҳри спорт кўмитасига раҳбар этиб тайинлангандан сўнг шаҳарда миллий курашни ривожлантирди. Тўғрак ташкил этиб, кўплаб ёш полвонларга устозлик қилди ва умидли спортчиларни тарбиялаб калмола етказди. Зоирхоннинг икки шогирди Алишер Бўронов, Давид Сагманян нафақат мамлакатимизда, балки хориждаги нуфузли беллашувларда ҳам ғолиблик шохсупасидан муносиб ўрин эгалладилар. А.Бўронов, Д.Сагманян 2002-2003 йилларда Лонд Британиянинг пойтахти Лондон шаҳрида

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов халқаро турнирида ўз вазн тоифаси бўйича олтин медалларни кўлга киритдилар. Яна икки нафар шогирди Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўзбек кураши бўйича мусобақада ғолиб бўлди. Зоирхоннинг елиб-югуришлари туфайли шаҳарда миллий кураш маркази очилиб, кўплаб ёш полвонларни ўз бағрига олди. Яқинда ўсмирлар ўртасидаги миллий кураш бўйича республика биринчилиги Янгйерда ўтказилди. Зоирхоннинг шогирдлари бу нуфузли беллашувда муваффақиятли қатнашиб, учта бронза медалини кўлга киритдилар. Шаҳар Халқ таълими бўлими изланувчан, ҳаракатчан бу йигитни ўтган йили 8-умумтаълим мактабига раҳбар этиб тайинлади. З.Холов мактабга раҳбар этиб тайинлангач бутун эътиборини таълим масканда ўзбек курашини ривожлантиришга қаратди. Директорнинг ташаббуси билан билим масканда йўналтирилган кураш синфи очилди. Бу ташаббусни шаҳар халқ таълими бўлими, мактаб жамоаси ва ота-оналар кўллаб-қувватладилар. Қисқа фурсатда синфга кўплаб ўқувчилар жалб этилди.

- Кураш синфи дарсдан сўнг ўтказилади, - дейди З.Холов. - Мақсад ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини унмולי ўтказиш. Чунки мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги кўп қаватли уйларида яшайдилар. Улар орасида бирор машғулотнинг бошини тутмай, бекор юрганлари жуда кўп. Шу боис ҳам кураш бўйича синф ташкил этилди. Ҳозир унга 150 нафар

ўқувчи жалб этилди. Яқин орада уларнинг сони 200 нафарга етади.

Мактабда футбол, волейбол, шахмат-шашка, каратэ, бадий гимнастика каби спорт тўғрисидаги ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Нодирхон Абдусайидов, Анвархон Раҳимов, Қўлдош Мардиев каби спорт мураббийлари ёшларга спорт сирларидан кўн билан сабоқ бераётди. Мактабда яқинда бадий гимнастика тўғрисида ҳам асос солинди. Бу тўғрисида қатнашаётган кўплаб қизлар спортнинг бу нафис турини устозлари Зилола Турсунқулловадан пухта ўрганмоқдалар.

Зоирхон Холов ўзбек кураши бўйича сабоқ олган шогирдлар орасидан умидли ёш спортчилар яшндек қамаб чиқаришди. Айниқса, ўсмир қизлар орасида кўплаб полвонлар етишиб чиқмоқда. Дилшода Мелиева, Одина Омонлиқова, Зарина Мардиева каби спортчилар мамлакат биринчилиги бўйича ўтказилган беллашувларда олтин медалга сазовор бўлиб, шохсупанинг энг тўридан жой олмоқдалар. Барчинчи, Тўмарис издошлари бўлган ёшлардан устозларининг умиди катта. Улар юрт шарафини муносиб ҳимоя этадилар.

Спорт — миллат ғурури, фахр-ифтихори саналади. Унга бўлган эътибор келажакка бўлган эътибордир. Муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда «Буюк давлатни соғлом миллат, соғлом авлодига кура олади». Демак, спортни ривожлантириш ва кенг оммалаштиришда барчамиз бирдай фаол бўлмоғимиз лозим.

ТИББИЙ ХИЗМАТ

Касбга садоқат

Қаҳрамонимизни излаб Самарқанд шаҳридаги 1-сон шаҳар шифохонасига борганимизда унинг қабулхонасига олиш тумандан бурни ичида ўсимта пайдо бўлган бемор ўғлини олиб келган кишига дуч келдик. Қабулхонада у менга: «Шаҳарга қариндошларимизникига келиб муолажа олишга қарор қилдим, қишлоқ врачлик пункти шифокорларига учрашганимда, камқонлигимни айтиб операцияга рози бўлишмади» деди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Томоқ, бурун, қулоқ касалликлари бўлими мудири Манзура Худойбердиева олдинга беморни обдон текширди, сузларини тинглади ва ташхис хулосаларини кўриб, беморни зудлик билан операцияга тайёрлашни буюрди. Кейинчалик операция муваффақиятли ўтганини, бемор ўғлон соғайиб, оиласи бағрига қайтганини эшитдим.

- Ёшликда орзулар кўп бўлади, - дейди олий тоифали жарроҳ Манзура Худойбердиева. - Гоҳ ўқитувчи, гоҳ муҳандис бўлгим келган. Лекин вақт ўтиб, элга кўпроқ нафим тегиши учун шифокор бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Ахир шифокор учун беморни дарддан фориғ қилиш, унинг мунгли ва ҳадик тўла кўзларида бахтиёрлик учкунларини кўришдан ҳам қувончлироқ бахт борми?

Ёш Манзура шифокор бўлишга аҳд қилганида отаси Фармон ака ва онаси Ўғилдай ая кўллаб-қувватлашди. Пастдарғом тумани Найман қишлоғида зиёли оиласида туғилиб ўсган Манзура 56-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, тиббиёт олийгоҳига ҳужжат топширди. Мактабда олган пухта билими асқотди: кириш имтиҳонларини қўйилмақом қилиб топшириб, талаба бўлди. Самарқанд тиббиёт олийгоҳининг даволаш факультетини катта қизиқчи ва ҳавас билан ўқиди. Устозлари Таҳсин Насриддинов, Хуррам Қорабоевдан жарроҳликнинг ўзига хос сирларини кўн билан ўрганди. Иш фаолиятини 1991 йилдан 1-сон шаҳар шифохонасига бошлади. Иш жараёнида бош шифокор Маннон Рафиқовнинг шифокор, энг аввало, одоб-ахлоқли, диёнатли бўлиши керак, деган ўғитларини қалбига жойлади.

- Шифокор беморларга меҳрибон, ғамхўр ва ширинсўз бўлиши керак, - дейди М.Худойбердиева. - Бу ярим шифо, дегани. Ва яна шифокор беморлар учун ёрдамга кўн тун шай туриши керак.

Манзура айтганларига риоя қилади. Беморлар учун доимо беминнат хизматда. Ярим тундами, тонг отаётгандами турли хасталиклар билан касалхонага келтирилган беморларни қабул қилади. У иш жараёнида ўзининг меҳнатсевар, ҳушмуомала, ташаббускор ва янгиликка интилувчанлиги билан ҳамкасблари ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. 2003 йилдан бошлаб томоқ, бурун, қулоқ касалликлари бўлими мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Инсон танасидаги дардга маъна бўлиш, бедор ўтказилган тунлар, чекилган заҳматлар Манзурага бахт-саодат келтирмоқда, десак янглишмаймиз.

Академик, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Абдулавлон Абдуллаев ҳақида кўп ва ҳў ёзиш мумкин.

У ўзининг бутун илмий фаолиятини дунёнинг турли минтақаларидан келтирилган 4 та маданий гўза турларига оид 120 хил навусларининг биологик хусусиятлари, уларнинг турли экиш мuddатлари, агротехник тадбирлар таъсирчанлигини ўрганишга бағишлади. Унинг бевосита раҳбарлигида гўза турларининг генетик қариндошлик даражаси аниқланди. Шу билан бирга турли авлодларда форма ҳосил бўлиш қонуниятлари кашф этилди, экстремал шароитларда касалликларга чидамлили белгилари топилиб, ҳар бир турнинг ўсиш жойи ва келиб чиқиш марказлари билан муносабатлар ва ўзаро боглиқликлари ўрганилди. Шунингдек, Ф.Мауер билан ҳамкорликда гўзанинг ёввойи тур вакиллари билан донорлар сифатида фойдаланиш гоёсини илгари сурдилар.

Маълумки, бир пайтлар «Вилт» - сўлиш касаллиги пахтакор деҳқонларни мушкул аҳволга солиб қўйганди. Бунинг оқибатида минг-минглаб гектар майдонлардаги гўзалар ҳосилдорлиги кескин камайиб кетди. Гўё бу офатнинг чораси йўқдай эди. Айни шу даврда ЎзРФА ва бошқа пахтачилик билан шўғулланадиган илмий ташиклотлар тузумасига катта вазифа юклатилганди. Бунни бартараф қилишда А.Абдуллаев томонидан вилтга чидамли «Тошкент» гўза навининг кашф этилиши қўлланмаган тасодиф бўлди. Бунда олим Мексика кенжа гўза турларидан бошлангич селекцион манба сифатида фойдаланди. Бу эса пахтачиликда республика учун мураккаб вазиятда 5-нав алмашинишини амалга оширишга асос бўлди.

А.Абдуллаев гўза генофондини бойитиш бўйича улкан ишларни амалга оширди, бундан ташқари жаҳондаги энг бой коллекциялардан бири - гўза генофондининг яратилгани ва уни янги намуналар билан тўлдиришдаги хизматлари бекиёсдир. Айни пайтда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига сақланаётган мазкур коллекциянинг асосий қисми, наинки Ўзбекистонда, балки ер юзидagi пахта экадиган барча мамлакатлар миқёсида ҳам ўхшаши йўқдир.

Ушбу коллекция 2005 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг ноёб илмий объектлари рўйхатига киритилган. Ҳозирги кунда гўза генофонди хилма-хиллиги жиҳатидан дунёда етакчи ўринда туради. У ҳатто, ЮНЕСКО ва Қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат халқаро ташиклоти томонидан рўйхатга олинган. Коллекция 45 дан ортиқ тур, 7 мингдан зиёд маданий гўза нусхаларини ўз ичига олган.

Бу тур ва нусхалар дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларида гўза устида олиб борилаётган фундаментал изла-ниш ва навлар яратишнинг асосий пойдевори сифатида хизмат қилмоқда.

ИЛМЙЎЛИДА

Генетик олимнинг

ИЛМЙЎИЗЛАНИШЛАРИ

А.Абдуллаев туллаган гўза генофонди коллекцияси, шўбҳасиз, республикамизнинг миллий бойлиги ва ифтихоридир. Албатта, дунёнинг ёввойи гўза турларини бир жойга жамлаб, уларнинг ички дунёси, сир-синоатлари, ирсий хусусиятлари, генетик қонуниятларининг янги қирраларини кашф этиш осон иш эмас. Домла, ҳатто, ёввойи гўзанинг асл ватани Мексикага биринчи илмий экспедиция уюштириб уни бошқарди. Мексика гўзаси ҳозир қимматли синтетик формаларнинг генетик манбаи бўлиб келмоқда.

Олимнинг Хитой, Ҳиндистон ва Цейлонга қилган сафарлари натижасида генофонд янада бойитилди: 4 та Африка, муносиб ворислар, ёш илмий кадрлар, мутахассислар тайёрлашга асосий эътиборни қаратди. Унинг раҳбарлигида 9 та докторлик, 20 та номзодлик диссертацияси тайёрланди ва ёқланди. Докторлик диссертациясини ёқлаганлардан бири Чехия фуқароси, 2 та номзодлик диссертациясини ёқлаганлар Вьетнам ва Покистон фуқароларидир. Олим раҳбарлигида ташкил этилган гўза систематикаси ва филогенияси бўйича илмий мактаб ҳозирги замон талаблари даражасида муваффақиятли ривожланмоқда. Гўза генетикаси мактаби нафақат республикамизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам тан олинган. А.Абдуллаев 430 дан ортиқ илмий мақола, 12 та рисола ва монография муаллифи, «Формообразование при отдалённой гибридизации хлопчатника» номли монографияси Техас университетида инглиз тилида нашр қилинган.

А.Абдуллаев илмий-ташкилий фаолият билан бир қаторда катта ижтимоий ва педагогик ишларни ҳам олиб борди. Ўзбекистон генетика ва селекциялар жамиятининг президиуми аъзоси, кейинчалик эса раиси бўлди, Россия ФА «Генетика ва селекция» муаллифлари кенгаши раиси муовини, ЎзРФА Генетика ва селекция бўйича муаммолар кенгаши раиси, XIV халқаро Генетик кенгашнинг таъкилий кўмита аъзоси, Марказий генетика ва селекциялар жамиятининг аъзоси, ўринбосари, ЎзРФА ҳақиқий аъзоси ва ЎзРФА президиуми аъзоси, ЎзРФА президиумининг қишлоқ хўжалик фанлари бўлими раиси, 1999 йилдан гўза навларини яратиш ва жойлаштириш бўйича республика ҳайъатининг аъзоси ва бир қанча илмий ва оммабop журналларнинг таҳрир хайъати аъзоси бўлган.

Абдуллаевнинг юртимиз илм-фани равнақиға қўшган ҳиссаси, қилган ишларини бирма-бир санашнинг имкони йўқ. Домла гарчи 80 ёшни қаралаб қолган бўлсалар-да икита йирик лойиҳага раҳбарлик қилмоқдалар. Ватанимиз ва жаҳон пахтачилик илмига қўшган улуси учун давлатимиз томонидан юксак мукофот - «Шўхрат» медалли ва «Меҳнат шўхрати» ордени билан муносиб тақдирланди.

Абдуллаевнинг юртимиз илм-фани равнақиға қўшган ҳиссаси, қилган ишларини бирма-бир санашнинг имкони йўқ. Домла гарчи 80 ёшни қаралаб қолган бўлсалар-да икита йирик лойиҳага раҳбарлик қилмоқдалар. Ватанимиз ва жаҳон пахтачилик илмига қўшган улуси учун давлатимиз томонидан юксак мукофот - «Шўхрат» медалли ва «Меҳнат шўхрати» ордени билан муносиб тақдирланди.

Абдуллаевнинг юртимиз илм-фани равнақиға қўшган ҳиссаси, қилган ишларини бирма-бир санашнинг имкони йўқ. Домла гарчи 80 ёшни қаралаб қолган бўлсалар-да икита йирик лойиҳага раҳбарлик қилмоқдалар. Ватанимиз ва жаҳон пахтачилик илмига қўшган улуси учун давлатимиз томонидан юксак мукофот - «Шўхрат» медалли ва «Меҳнат шўхрати» ордени билан муносиб тақдирланди.

Марҳамат МАТВАФАЕВА,
«Milliy tiklanish»
жамоатчи мухбири,
Гулбаҳор ЯХШИМУРОВА,
Ўз РФА Генетика ва
ўсимликлар экспериментал
биологияси институти катта
илмий ходими, биология
фанлари номзоиди

КЎРГАЗМА

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Бош прокуратура, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда бошқа тегишли ташиклотлар ҳамкорлигида «Куч - билим ва тафаккурда» номли кўргазма бўлиб ўтди.

Болалар бекор қолмайди

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЁЗГИ ТАЪТИЛНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШЛАРИ УЧУН ТЎГАРАКЛАРГА ЙЎЛЛАММА ОЛДИЛАР

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ ўтказилган ушбу тадбирда асосий эътибор ёзги таътилда мактаб ўқувчилари бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, ўғил-қизларни ҳунар ва спорт тўғрисидаги йўналтиришга қаратилди. Икки кун давом этган мазкур кўргазмада пойтахтимиздаги 94 та умумтаълим мактаби, шунингдек, ўқувчилар ижодиёт марказлари, мусика ва санъат мактаблари, спорт мажмуалари жамоалари қатнашдилар.

- Мактаб ўқувчиларининг таътилни мазмунли ўтказишлари амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратаётганимиз, - дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Наргиза Раҳмонқуллова. - Ўқувчилар таътилда ижодиёт ва ахборот-ресурс марказлари, мусика, санъат ва спорт мактаблари ҳамда спорт мажмуаларига йўлланма олиб қатнашишлари мумкин.

Маълумотлар бўйича жорий йўв йилида Тошкент шаҳрида жойлашган 295 та умумтаълим мактабининг 5, 6, 7, 8-синфларини 143 мингдан зиёд ўсмир тамомлайди. Мазкур тадбирда мактаб ўқувчиларининг 30 мингдан зиёди жалб этилди.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 115-мактаб ўқувчиси Абдурашул Абдурахимов яқинда 7-синфни тамомлайди. У ҳам ёзги таътилни марокли ўтказиш учун ўзи қизиққан тўғраки танади. - Сув спортига қизиқаман, - дейди у. - Мазкур кўргазмада қатнашиб, «Жар» спорт мажмуасига йўлланма олдим. Тадбир давомида шахмат, шашка, стол тенниси каби тўғрак аъзолари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Муҳайё НУРМЕТОВА

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришганидан сўнг халқаро ҳам-жамиятга фаол қўшилиб, дунёнинг геосийёсий ва геоиқтисодий кучлари ўртасидаги мувозанатга таъсир эта бошлади. Минтақанинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг халқаро сиёсатдаги аҳамияти ошаётганлиги унинг табиий, энергетик ва минерал-хомашё ресурсларига бойлиги, салмоқли ишлаб чиқариш, илмий-техникавий салоҳиятга эгаллиги, геосийёсий жиҳатдан муҳим ҳудудда жойлашгани туфайлидир.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти: Хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт йўлида

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
ЎзМТРК сиёсий шарҳловчиси

Кейинги йилларда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШХТ) нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири – ШХТ улкан геосийёсий ва геоиқтисодий, моддий ресурслар жиҳатидан катта имкониятларга эга бўлган ҳамда халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимида тобора муҳимроқ аҳамият касб этиб бораётган тузилма эканлигидадир.

Ҳўш, бу жараёнда Ўзбекистоннинг ҳам иштирок этиш зарурати нимадан иборат эди? Мамлакатимизнинг ушбу ташкилотдаги иштирокидан мақсади, манфаатлар кўлами ва истиқболи нималарга қаратилган? Бу каби саволларга жавобнинг илдизи бой тарихимиз билан боғлиқ. Маълумки, Марказий Осиё тамаддуни минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасида ўзига хос кўприк бўлиб келган. Табиийки, бунда қадимий ва бой тарихга эга бўлган ўлкаимизнинг ўрни алоҳидадир. Эндилқда глобаллашув ва жаҳон ахборот цивилизациясининг шаклланиш жараёнида мазкур минтақа учун Ўзбекистоннинг боғловчилик омили янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг ШХТда иш-

тирок этиб келаётганлиги (мамлакатимиз ШХТга расман 2001 йилдан бери аъзолиги) тузилмани мустаҳкамлабгина қолмай, мавжуд минтақавий муаммолар ечимини тугал ва самарали бўлишини таъминлади. Яна шуниси эътиборга лойиқки, Россия ва Хитой томони Марказий Осиё муаммоларини Ўзбекистоннинг иштирокисиз ечиб бўлмаслигига алоҳида урғу қаратиб келмоқда. Хусусан, минтақани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Президентимиз ташаббуси жаҳон сиёсий доираларида, шунингдек, Россия ва Хитойда катта эътироф ва хурматга сазовор бўлди.

Ўз навбатида мамлакатимиз ҳам Россия ва Хитойнинг жаҳонда, шу жумладан Евроосиё, ШХТ маконидаги мавқеини доимо юқори баҳолаб келган. Чунки Россия ва Хитой бу улкан ҳудудда ўзининг сиёсий ва иқтисодий қудрати, фан-техника ва юқори технология соҳасидаги ютуқлари, қолаверса, ҳарбий салоҳияти билан ажралиб туради. Маълумки, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги барча давлатлар, шу жумладан, Афғонистон билан ҳам чегарадош мамлакатдир. Бундан ташқари, 60 миллионлик нуфузга эга Марказий Осиё аҳоли-

сининг қарийб ярми (28 млн.) Ўзбекистонда яшайди. Қолаверса, Россия ва Хитой мамлакатимизни ўзининг стратегик ҳамкори деб билади.

Шу тариқа Ўзбекистон ШХТни тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, биринчи навбатда, халқаро терроризм, диний экстремизм, миллий айирмачилик (сепаратизм) ва наркотики бизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хатарларга қарши пухта ўйланган ва самарали курашга йўналтирилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми сифатида юқори баҳолаб, унинг тузилмасида фаол иштироки билан ажралиб турибди.

Ўзбекистон ШХТ фаолиятида аниқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка қаратилган тақдирларни илгари суриб келмоқда. Булар орасида: Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласи; халқаро терроризм, экстремизм, сепаратизм ва наркотик бизнес муаммолари; оммавий қирғин қуролилари тарқалишининг олдини олиш; минтақадаги иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳамжиҳатликда ечишга қаратилган ташаббуслар бор.

Ўзбекистоннинг ШХТдаги иштирокини мазмун-моҳияти аввало, Ватанимизнинг хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш масаласи билан боғлиқдир. Чунки хавфсизликни таъмин-

ламай туриб, тараққиётга, ялпи тинчликка эришиб бўлмайди. ШХТ сафида эса БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзосидан иккиси, яъни Россия ва Хитой бор. Бу давлатларнинг ҳарбий салоҳияти ҳам дунё миқёсида аллақачон тан олинган. Демак, жаҳон миқёсидаги йирик масалаларни шу икки давлатнинг иштирокисиз ёки аралашувисиз ҳал этиш анча мушкул. Шунингдек, ШХТга аъзо барча давлатларнинг дарди ҳам бир хил. Уларнинг барчасида хавфсизликка таҳдид соладиган муаммолар кўндаланг бўлиб турибди.

Мамлакатимизнинг ШХТдаги ўрни ва мавқеидан кўзланган иккинчи асосий мақсад – кенг кўламли иқтисодий ҳамкорликдир. Бунда ШХТга аъзо давлатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар катта аҳамият касб этади.

ШХТ бирор бир давлат ёки ташкилотга қарши қаратилмаганлиги ва очиқ фаолият олиб бориши билан халқаро муносабатларнинг янги шаклини юзага келтирди. Бу ташкилотнинг эзгу интилишлари «Шанхай руҳи» тушунчасига йўл очди. Юртбошимиз Ислам Каримов ибораси билан айтганда: «Шанхай жараёни» сиёсий-дипломатик соҳада, минтақа давлатларининг бой табиий энергетика манбалари, инсон ва интеллектуал ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга қаратилган кенг кўламли иқтисодий ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ишончли замин яратди».

ШХТнинг асосий мақсадлари Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда. Булар: аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш; минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни биргаликда таъминлаш ва сақлаб туриш; сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳалардаги самарали ҳамкорликка кенг йўл очиб бериш; энергетика, транспорт, туризм, атроф-муҳитни химоя қилиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кучайтиришдан иборат.

ШХТнинг раҳбар органи – Давлат раҳбарлари Кенгашидир. Ушбу Кенгашнинг кенгайирилган таркибдаги мажлиси 2004 йилнинг июнида Тошкентда (бу учрашувга 2001 йил

Шанхай, 2002 йили Санкт-Петербург, 2003 йил Москва саммитлари бўлиб ўтган эди) 2005 йилда Остонада, 2006 йили эса яна Шанхайда, 2007 йили Бишкек, 2008 йил Душанбе, 2009 йил Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган. ШХТга аъзо давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган таркибдаги мажлиси жорий йил июнь ойида пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ШХТнинг амалдаги раисидир.

Ташкилот фаолиятида барча давлатларнинг соҳа вазирлари, Бош прокурорлар, чегара қўмиталари раҳбарлари мунтазам учрашиб, иш олиб борадилар. ШХТнинг доимий фаолият юритувчи органлари иккита бўлиб, булар Пекиндаги ШХТ Котибияти ва Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилмадир. Шу йил 23 апрель кунини муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ШХТга аъзо давлатлар Хавфсизлик Кенгаши котибларини қабул қилар экан, ушбу ташкилотнинг дунё миқёсидаги геостратегик ўрни бекиёс эканлигини алоҳида таъкидлади.

ШХТ доирасида турли вазирликлар ўртасида ҳам минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик йўлида муҳим учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Шундай йирик амалий тадбир 21 апрель кунини бўлиб ўтди. Тошкентда ўтказилган ШХТга аъзо давлатлар фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича идоралари раҳбарларнинг бешинчи мажлисида фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича ташкилот доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари хусусида келишиб олинди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинган 2010 йилнинг мазмун-моҳиятини ва солномасини бойитишда сўзсиз, «Тошкент руҳи», яъни ШХТнинг Тошкент анжумани алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки ШХТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги, аввало, БМТ билан ҳамкорликдаги нуфузини халқаро алоқаларни ривожлантириш орқали янада мустаҳкамлаш — Ўзбекистоннинг ШХТда раислиги давридаги устувор вазифалардан бири саналади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

9 майдан сўнг

Россия Фавқуллода вазиятлар вазирлигига кўра, 9 май кунини кечқурун «Распадская» кўмир қонидаги икки портлашда ҳалок бўлганлар сони 66 кишига етган, еростида қолган 24 нафар қончи ва кутқарувчиларнинг тақдири нomaълум.

Улар 500 метрдан чуқурроқда қамалиб қолишган. Хабарларга кўра, Россия ҳукумати қурбонларнинг оилаларига 1 миллион рублдан тоvon пули тўлашга буйруқ берган. Биринчи метан портлаши чоғида қонда 350 дан ортиқ ишчилар бўлган. Уларнинг аскарияти ер юзига чиқариб олинган. Орадан бироз вақт ўтиб, кутқарувчиларнинг биринчи гуруҳи қонга туширилган пайт иккинчи портлаш юзга келган. «Распадская» Россиядаги энг йирик кўмир қони бўлиб, у ерда бир йилда 8 миллион тонна кўмир ишлаб чиқарилади. Қон 1973 йилда ишга туширилган. Айни пайтда кутқарув ишлари давом этмоқда.

Гендер тенглиги

Қатарда аҳоли ўртасидаги гендер номувофиқлик юқори кўрсаткичларга бориб етган.

Нефть ва газ ишлаб чиқарувчи ушбу давлатда 100 нафар эркакка бор-йўғи 33 аёл тўғри келади. «Ар-Райя» газетаси биринчи марта бу йил 1,5 миллионга етган мамлакат аҳолиси ҳақидаги сўнгги статистик маълумотларни эълон қилган. Мамлакат аҳолиси орасида ишчи эмигрантлар кўпчилигини ташкил этади. Ўзи билан оиласини олиб келиш ҳуқуқига фақат яхши даромад қилувчи мутахассисларгина эга. Шу боис ҳам хорижлик ишчиларнинг асосий қисминиям эркаклар ташкил этади. «Ар-Райя» мамлакатдаги туб қатарликлар сони ҳақида маълумот бермайди. Ваҳоланки, улар орасида бу каби гендер тафовути мавжуд эмас. Қатарликлар дунёдаги бой одамлар ҳисобланади. Газета маълумотларига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача йиллик даромад келгуси йилда 63,8 минг доллардан ошади.

Греция ва еврога ёрдам

Европа Иттифоқи

евро пул бирлиги ва

Грецияни молиявий

ҳимоялашга келишди.

Европа Иттифоқи молия вазирлари Грециядаги молиявий инқироз бошқа мамлакатларга ёйилмаслигини таъминлаш учун 500 миллиард евроли ташкил этувчи механизмни ишлаб чиқаришган. Механизм 440 миллиард евро қарз кафолатлари ва Европа комиссияси қошидаги 60 миллиард евролик фавқуллода жамғармани ўз ичига олади. Россиянинг «Новости» агентлиги хабарича, евро ҳудудидаги 16 давлат мазкур ёрдамлардан фойдаланиш имконига эга бўлади. Бундан ташқари Халқаро валюта жамғармаси ҳам 250 миллиард еврогача кўмак ажратади.

Интернет яна ишламоқда

Хитой ҳукумати Шинжонда интернетни қайта ўрнатган.

«Синхуа» агентлиги хабарича, Хитой ҳукумати ғарбий Шинжон минтақасида интернетга чекловни олиб ташлаган. Расмий Пекин ўн ой муқаддам Шинжонда юз берган этник зўравонликлар ортидан интернетдан фойдаланишни бутунлай таъқиқлаб қўйганди. Оқибатда мазкур ҳудудда етти миллион аҳоли интернетдан фойдаланиш имконидан маҳрум бўлганди. Хитой расмийлари интернет алоқасини Шинжонда вазият барқарорлашгани учун тиклаётганини айтишган.

«Экологик тоза»

Япония олимлари

электр таъминоти

тизимини мустақил

бошқара оладиган

турар-жой биноси

лоиҳасини яратишган.

«Экологик тоза» уй томига қуёш нуридан энергия оладиган панеллар ва энергия тўплағич ўрнатилади. Йилнинг қайси мавсуми бўлишидан қатъий назар, электрон асбоблар биноси зарур микдордаги иссиқлик ва ёруғлик билан таъминлаб туради.

Ҳарбий денгизчилар

Англияда қадимги Скандинавия ҳарбий денгизчиларининг қабри топилган.

«ИТАР-ТАСС» хабарига кўра, эраимиздан аввалги 910-1030 йилларга оид бу қабр мамлакат жанубидаги Дорсет графлигида жойлашган. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, уша пайтда денгизчилар қирол Этельред ҳукми билан қатл этилган. У 1002 йилда Скандинавия билан тузган сулҳни бузиб, кўплаб асирларни қиличдан ўтказган. Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Она табиат Ғаройиботларга лиммо-лим. Унинг биз билган ва билмаган сир-синоатлари сон-саноксиз. Ҳатто, бугун ҳам Ер юзидида ғайриоддий хусусиятга эга дарахтларни учратиш мумкин.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
«Milliy tiklanish» муҳбири


Ана шундай ғаройиб дарахтлардан бирини 1887 йили сайёх У.Бьюэл қўришга муяссар бўлган. «Новдаси қалин, бироқ шохлари ён-атрофга ёйилган дарахтнинг ханжарга ўхшаш тиканлари бор эди», дея таърифлайди сайёх. Яна унинг ёзишича, ташқари-дан қараганда мутлақо беэиён, жонсиз кўринган бу дарахтнинг ёнидан бирор жонотнинг (қуш, ҳайвон ва ҳ.к) беши-каст ўтиши амримаҳол. Негаки, дарахт ўзининг учли тигини албатта санчиб оларди. Энг қизиғи, айнан шу йўл билан дарахт илдизи озикланар экан.

1892 йилнинг 27 августиди Донстин исмли олим ботқоқликдаги ўсимликларни ўрганиш мақсадида Никарагуа қўлини текшираётганида итининг инграётганини эшитиб, дарҳол унинг ёнига югуради. Қарасаки, аллақандай дарахт ўзининг қанопга ўхшаш шохчалари билан итини ўраб олган экан. Табиийки, олим дарахтни кўриб ҳайратдан ёқа ушлади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу каби дарахтлар 5 дақиқа ичида катта бўлак гўштининг селини лимон сувидек сиқиб оларкан. Маълумотларга қараганда, бу ерда шунга ўхшаш ажабтовур дарахтлар талайгина бўлиб, ҳавода учиб кетаётган қуш ҳам унинг чангалида жонсиз буюмга айланиши мўқарар экан.

Биргина мисол. 1933 йили Франциялик тадқиқотчи Байрен ва унинг йўл бошловчиси Доминго Чиапас чангал-зорга қадам қўйишган ҳам эдики, уларнинг кўз ўнгиди бир дарахт учиб кетаётган қушни барглари билан қаттиқ қучиб олганча, уни қўйиб юбормайди. Олимнинг айтишича, маҳаллий халқ бу дарахтни «вампир», яъни «қонхўр» деб аташкан. Худди шунга ўхшаш воқеага 1970 йили бразилиялик тадқиқотчи Марионо де Сильва ҳам шохид бўлди. У Гайанада йатаки қабиласи вакилларини ахтарайтган чоғида ҳайвонлар-

ни ўз тузоғига илинтирувчи ғаройиб дарахтга дуч келади. Бу сирли дарахт ўзи-дан галати ис таратиб, ҳайвонларни ўзига қаққарар экан. Сўнг, ўлжаси яқинлашди, де-гуна барглари билан уни маҳкам ўраб оларкан. Орадан уч кун ўтгач, дарахт барглари-ни қайтадан ёзади. Афсуски, унинг чангалига тушган бе-чора ҳайвон-нинг фақатгина қоқ сувги қоларкан, холос.

Ўз даврида Христафор Колумб ҳам саёҳат чоғида ғаройиб дарахтларнинг кўплаб турига дуч келган. Мана шундай саёҳатнинг бирида у Какао дарах-тининг мевасини анқонинг уруғи, дея илк бор Европада келтиради. Шундан сўнг, маҳаллий халқ қакоа уруғини қовуриб, туйиб унга совуқ сув, ванил ва қалам-пирни қўшиб кўпиргунча аралаштириш-гандан сўнг ҳосил бўлган ичимликни «чоколотл» деб атай бошлайди. Какао дарахти қуёш нурига бардош берол-майди. Шу боис у денгиз сатҳидан 600 метргача бўлган баландликларда ўсади. Унинг бўйи 15 метр, танасининг йўғон-лиги 20 сантиметргача. Дарахт йил бўйи гуллайди. 4-5 ёшда ҳосилга кир-ган дарахтнинг мевасининг катталиги 20 см., оғирлиги ярим килограмгача келади ва 4-8 ойда пишиб етилади. Териб олинган мевасининг пўсти эрта-сигеёқ тозаланиб, уруғи қурилади. Шунда у жигарранг тусга қиради ва ўзидан хушбўй хид таратади. Какао-



нинг таркибида ошловчи модда, ёғ, крахмал ва оксил моддалар борлиги учунми, у ниҳоятда тўйимлидир.

Сут — табиатнинг ажайиб маҳсули. Узоқ йиллар мобайнида инсоният бу тотли, шифобахш маҳсулотни асосан сигирдан олган. Қарангки, айрим мамлакатларда фақат сигир эмас, балки дарахтдан ҳам сут олинади. Марказий ва Жанубий Америкада тутдошлар оиласига мансуб бўлган сут дарахти ўсади. Венесуэлада эса сут дарахтлари ўсадиган кичик ўрмонзорлар ҳам мавжуд. Маҳаллий халқ бу дарахтни оддийгина қилиб, «сигир дарахти» деб атайди. Унинг шарбати сут ўрнида истеъмол қилинади. Дарахт шарбати си-гир сүтидек тўйимли, сувга яхши ара-лашади, чой ёки қаҳвага қўшилганда ивиб қолмайди. Энг қизиғи, у иссиқ ҳавода бир ҳафтагача айнимай тура-вераркан. Сут олиш учун «сигир дарах-ти»дан пўстлоғи шилиб олинади ва тағига идиш қўйилади. Бир туп дарахт 4-5 кишига етарли сут беради. Бироқ,

сут сувга аралаштирилгандан кейин-гина ичишга яроқли ҳисобланади.

Марказий Американинг Панама ка-нали атрофида галати бир дарахт ўсади. Мевасининг шакли шамни эсла-тади. Ўзи ҳам шам вазифасини ўтай-ди. Меваси таркибида ёғ микдори жуда кўп. Уни ўртасидан тенг ёриб, орасига пилик қўйилса бас, шам тайёр де-яверинг. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли уни «шам дарахти» деб атайди ва ун-дан уйларни ёритишда фойдаланади. Бу табиий шам 5 соатгача хонани бе-малол ёритиб туради. Сунъий шам-лардан унинг афзаллиги ёнган пайт ўзидан бадбўй ис чиқармайди.

Дарҳақиқат, сайёрамизнинг турли бурчақларида бундай ғаройиб дарахт-ларни кўплаб учратиш мумкин. Бироқ, олимлар ушбу дарахтларнинг хусусият-лари тўғрисида аниқ бир ҳулосага ке-лишганича йўқ. Шундай бўлса-да, тад-қиқотчилар дарахтларнинг ҳар бирида аллақандай сир-синоат яширингани айни ҳақиқатдир, дейишмоқда.

**МАДАНИЯТ
ЯНГИЛИКЛАРИ****Болалар
намунали
ансамбллари****РЕСПУБЛИКА
КҮРИК-ТАНЛОВИ
ФОЛИБЛАРИ
АНИҚЛАНДИ**

**Самарқанд шахрида
Болалар намунали ан-
самбллари республи-
ка кўрик-танлови
бўлиб ўтди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда голиб деб топилган болалар намунали ансамбллари ўзаро ижодий беллашдилар. Танлов якунида Сурхондарё вилояти Бойсун туман маданият уйи қошидаги «Қуралай» намунали фольклор-этнографик ансамбли олий ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, биринчи ўрин Самарқанд шаҳар Хожо Абдулазиз Абдурашодов номли санъат коллежи қошидаги болалар мусика ва санъат мактабининг «Навнихол» болалар ансамблига, иккинчи ўрин Фарғона вилояти Қўқон шаҳар 7-болалар мусика ва санъат мактаби қошидаги «Қаро кўзум» ёш макомчи болалар намунали ансамбли ва Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар маданият уйи қошидаги «Науше» ва «Гумша» намунали болалар ашула ва рақс ансамбллари, учинчи ўрин Бухоро вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази қошида ташкил этилган «Шўх болалар» ансамбли ва Қашқадарё вилояти Қамати туман «Зилола» болалар бoғчаси қошидаги «Қизғалдоқ» фольклор-этнографик болалар ансамбли ҳамда Наманган вилояти Наманган туман маданият уйи қошидаги «Нихол» намунали болалар ашула ва рақс ансамблига насиб этди.

Шунингдек, «Миллий халқ болалар ўйинлари тарғиботи», «Худудга хос фольклор ижроси», «Ўзига хос рақс ижроси» ва бошқа номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Хусан БУРҲОНОВ

КЎЗГҮ**АНЪАНА**

Сурхон азалдан ўзининг анъаналари, дилтортар табиати билан қалбларни мафтун этиб келган. Сурхондарёликлар ижодкор халқ десак асло хато бўлмайди. Воҳамизда жуда кўплаб шоир, ёзувчи, ҳофиз ҳамда бахшилар этишиб чиққан ва бу анъана ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. Бугун эл хизматида бўлиб, тўй-тантаналарда ширали овози ва куйлари билан ўзгача фойз киритаётган бахши-шоирларимиз меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ. Улар сабабли ҳам халқ оғзаки ижодининг ўлмас достонлари сақланиб келмоқда. Ана шундай устоз бахшиларимиздан бири, Ўзбекистон халқ бахшиси Боборайим бахши Маматмуродов билан дилдан суҳбатлашдик.

Халқ достонлари

**ИНСОННИ ТЎҒРИЛИККА, МЕҲР-ОҚИБАТЛИ ВА
АДОЛАТЛИ БЎЛИШГА УНДАЙДИ**

— **Аждодларингиз орасида ҳам бахши-шоирлар ўтганими?**

— Бахшилар авлодиданман, деб фахр билан айта оламан. Сабаби, бобом ва отам ўз даврининг чертоғон бахшиларидан бўлган. Ўзим 3 ёшимдан бошлаб бахшичилик билан шуғулланаман. Балки, бошқа оилада туғилганимда бахши бўлмасмидим. Буларнинг бари менга куч ва далда беради. Устозларим Қодир бахши ва Тошмурод бахшилардан сабоқ

олиб, устоз бахши даражасига етишдим. Бунинг учун улардан миннатдорман.

— **Фарзандларингиз орасида ҳам ижодингиз давомчилари борми?**

— Оллоҳга минг шукри, тўрт ўғил, олти қизнинг отасиман. Фарзандларим орасида эса бахшичиликка тўнғич ўғлимнинг қизиқиши катта. Мустақил терма ва достонлар айтади. Ўз кучи билан кўп ютуқларга эришди. Қолаверса, невараларимнинг ҳам куйлаши мени қувонтира-

ди. Уларга ўргатиш билан бир қаторда ёш техниклар ижодиёт маркази қошидаги «Бахшичилик» мактабида ёшларга дарс ҳам бераман. Ушбу мактабни тузишимдан мақсад эса бу анъанавий меросимизни ёш авлодга ўргатиш ва давом эттиришдир. Ҳозирда 36 нафар болага бахшичилик сирларини ўргатяпман.

— **Достон куйлашнинг ҳам ўзига яраша машаққатли томонлари бўлади. Айниқса вақт. Энг узоқ куй-**

лаган достонингизни биласизми?

— Ўзим қирққа яқин достон ва кўплаб термаларни ёддан биламан. Энг узоқ куйлаган ва халқ орасида айтган биринчи достоним — «Алпомиш». Бу достонни қирқ соат куйлаганман. «Маликаи айёр», «Гўрўглининг туғилиши», «Кунтуғмиш», «Малла савдогар», «Равшанхон», «Зарнигор» каби достонларни севиб куйлайман.

— **Бугунги кун бахшичилик мактабларининг фаолияти ҳақида нималар дея оласиз?**

— Сурхондарёда Шеробод достончилик мактаби катта мавқега эга. У Шерна достончилик мактаби деб ҳам айтилади. Сабаби, Шерна бахши достончилик мактабининг йирик вакилларида бири бўлган. Қашқадарёдаги Қамай достончилик мактаби ҳам ўзининг турма қобилият соҳиблари билан машҳур. Бугун улар халқ эъзозиди. Юртимиз шукратини юксакларга кўтариш ва халқимизнинг бой маънавий меросини аждодлардан авлодларга етказишда ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

— **Достонларнинг ёшлар учун тарбиявий аҳамияти бекиёс. Тингловчилар орасида ёшларнинг ўрни қандай?**

— Айтганингиздек, халқ достонлари ёш авлод учун жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Барча достон ва термалар инсонни тўғрилиқка, меҳроқибатли ва адолатли бўлишга ундайди. Ёш йигит-қизларни Ватанини, халқини, ота-онасини севишга, асраб-авайлашга чорлайди. Ёшлар орасида бу санъат ихлосмандлари жуда кўп. Улар достондаги воқеалар, қаҳрамонлардаги ижобий ва салбий хусусиятларни таҳлил қилишга уринишади. Бу уларга ҳаётнинг оқ ва қорасини ажратишни ўргатиш билан бир қаторда, нутқи ва фикрини ҳам раван қилади. Достонлар ёшлар учун миллий удумларимиз, қадриятларимиз ва анъаналаримизни ўрганишида пойдевор вазифасини ўтайди.

Устоз бахшининг умри узоқ, ижоди бундан-да ёрқинроқ бўлишини Худодан тилаб қоламиз.

Гулнисо САЙДАЛИЕВА

ЎГИТ

**Лойқа сув дарёга етмоқ истаюр,
Лой тўсар йўлни — боришга қўймас ул.**

**Ўзни гар қутқарса лойнинг қўлидан,
Лой қолар-да, сув кетар ўз йўлидан.**

Жаҳониддин РҲИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Фукуто-Куоканоба оролига 1986 йилнинг январидида асос солинган. Орол Иводзима (Тинч океани) ороли атрофида ҳосил бўлган лава ўрнида таркиб топган. Орол узунасига 650, энига 450 метр бўлиб, денгиз сатҳидан 12 метр баландликда жойлашган.

Дунёдаги энг йирик Индонезия архипелаги 13 мингта оролни ўз ичига олади. Узунлиги 5600 километрга чўзилган архипелаг кўринишдан ярим ойга ўхшаб кетади.

Миссури (АҚШ) дарёсининг ирмоғи - Роу энг кичик дарё ҳисобланади. У эгаллаган майдон бор-йўғи 61 метрни ташкил қилади.

ТУРФАОЛАМ**Номаълум «тўйнуқ»**


Астрономлар «Гершель» телескопи орқали коинотда номаълум бўшлиқ борлигини аниқлашди.

Маълум бўлишича, ушбу бўшлиқ Орион юлдузлар туркуми атрофида бўлиб, Ердан тахминан 1500 нур йили оралиғида жойлашган экан. Олимларнинг фикрича, бўшлиқ таркибида асосан газ ва чанг булутлари мавжуд. Ҳозирда астрономлар телескоп ёрдамида олинган суратларга қараб бўшлиқдаги қора ва қизил доғларни ўрганишмоқда. Қолаверса, ер устки обсерваториясида ўтказилган бир қатор бошқа кузатувлар чоғида бўшлиқда биронта ҳам ёт унсурлар топилмаган. Мутахассисларнинг ҳулосасига кўра, «тўйнуқ» ёш юлдузлардан ажралаётган газлар эвазига ҳосил бўлгани эҳтимолдан холи эмас экан.

Девор орасидаги топилма

Машҳур Эрмитаж (Россия) музейи девори орасидан ўтган асрнинг 40-йилларида тааллуқли нодир ҳайкаллардан бири топиб олинди.

Топилма шунчаки тасодиф туфайли кўзга ташланиб қолди. Агарда музей деворларидан бири электр қути ўрнатиш учун бузилмаганда эди, эҳтимол ҳайкал ҳозир ҳам ўша жойда ётаверган бўларди, дейди музей маъмури. Манбада келтирилишича, девор ичидан топилган ҳайкалда катта ёшли эркак ва ёш бола тасвирланган. Гарчанд, ҳайкал гипсдан ишланган бўлса-да, унинг сирти бронза билан қопланган экан. Тарихчиларнинг айтишига қараганда, ҳайкал 1947 йили музейнинг қишки саройидаги девор орасига яшириб қўйилган. Бироқ, ҳозирча унинг нима учун яшириб қўйилгани номаълумлигича қолмоқда. Эслатиб ўтамиз, XIX аср охирида ишланган ушбу асар ҳайкалтарош Владимир Беклемишевга тегишли бўлиб, у «Қочоқ қул» деб номланади.

**«Бошсиз фиръавн»нинг сири**

Мисрлик қадимшунослар ўта ноёб топилма устидан чиқиди. Бу уларга «бошсиз фиръавн» ҳайкалининг сирини очишга оз бўлса-да ёрдам берди.

Мазкур топилма Искандария шаҳридан 45 километр ғарбда жойлашган Абу-Сир шаҳри атрофидан топилган. Ҳайкалда айнан Миср фиръавнларидан бири акс эттирилганини олимлар ундаги зеб-зийнатлар орқали аниқлашга муваффақ бўлишди. Тахминларга кўра, ҳайкал Птолемей IV га тегишли экани аниқланган. Маълумки, Птолемейлар сулоласи қадимги Мисрда IV асрдан I асргача ҳукмронлик қилиб келган. Маҳаллий қадимшунос Захи Хаваснинг таъкидлашича, «бошсиз фиръавн» ҳайкали орадан бир неча асрлар ўтишига қарамай ўзининг асл кўринишини йўқотмаган. Бироқ, ҳайкалнинг ўлчамлари қадимшунослар томонидан ошкор этилмапти. Айрим манбаларда қайд этилишича, ҳайкал ниҳоятда катта бўлиш билан бирга, асл тоғ жинси - қора гранитдан ишланган эмиш.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

**«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси**

**2010 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна
давом этаётганлигини маълум қилади.**

Дунё янгиликларидан хабардор бўлинг.

**Севимли матбуот нашрларингизни харид қилинг
ҳамда обуна бўлинг! Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК
ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимлари-
да чекланмаган миқдорда қабул қилинади.**

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68
Андижон (3742) 22-29-89
Бухоро (3652) 25-47-49
Жиззах (3722) 22-40-01
Қашқадарё (3752) 25-40-27
Навоий (4362) 23-26-86
Наманган (3692) 26-29-80

Самарқанд (3662) 34-22-53
Сирдарё (3672) 25-47-70
Сурхондарё (3762) 27-49-03
Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Фарғона (3732) 24-29-22
Хоразм (3622) 26-63-75
Компания бўлими 234-85-99

Обунага кўмакчи — «Матбуот тарқатувчи»**ТАХРИР ХАЙЪАТИ**

**Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Голиб-
шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Муҳам-
маджон ҚУРОНОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ,
Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА,
Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ,
Арслон ЭШМУРОДОВ**

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
e-mail: milliyt@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 423, Адади — 5444

**Газета тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди**

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371)
234-69-55, 234-87-74,
234-87-73, 234-86-41
ФАКС: 234-01-47

**Ҳажми 4 босма табоқ
офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2**

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Сайёра САЛАЕВА
Навбатчи:
Аброр УМАРҚУЛОВ

**«ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили:**
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.20.

1 2 3 5



VATAN TUYU'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
**ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

ҲОМИЙ:
**«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**